

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 28 (1300) • 2019 йил 9 июль

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Реклама мақсадларида ҳомийлик қилинди. Солиқ оқибатлари қандай бўлади?

3-бет

Хорижлик мутахассис тўлайдиган солиқ

4-бет

Қайси вақтдан тугалланмаган қурилиш тугалланган ҳисобланади?

7-бет

Август. Солиқ тўловчининг тақвими

11-12-бетлар

Молиявий ҳисобот вақтида топширилмади. Вазиятни қандай тўғрилаш мумкин?

13-бет

Керагидан ортиқ хушбўйлик чегарадан ўтолмади

16-бет

✓ ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

ҚҚСнинг Тўлақонли Занжирини Яратиш

бизнес юритиш учун тенг шароит вужудга келишига, адолатли рақобат тамойиллари жорий этилишига хизмат қилади

Президентимизнинг шу йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, соҳа мутахассислари таъбири билан айтганда, солиқ ислохотларининг иккинчи босқичини бошлаб берди. Негаки, ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятига кўра, адолатли рақобат тамойилларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан тўлдириш орқали истеъмолчилар манфаатини ҳимоялашга қаратилган. Бироқ ижтимоий тармоқларда кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)нинг тўлақонли занжирини ҳосил қилиш нарх-навоининг ошиб кетишига олиб келиши ҳақида гап-сўзлар кўпайди. Хўш, булар қанчалик асосли? Юртдошларимизни қизиқтираётган шу каби саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Бехзод МУСАЕВ билан эксклюзив интервью уюштирдик.



– Бундан роппа-роса бир йил олдин, аниқроғи, 2018 йил 29 июнда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Унда солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобидан соғлом рақобат муҳитини шакллантириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланди. Бунинг

2-бетда

МИНГ ЭШИТГАНДАН, БИР КЎРГАН АФЗАЛ

✓ ПРЕСС-ТУР



Божхона тизимида амалга оширилаётган ислохотларни бевосита жойига – божхона постларига чиқиб кўриш, тадбиркорлик субъектларининг корхоналарида яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитининг амалий натижалари билан танишиш катта имконият ҳисобланади. Давлат божхона қўмитаси мамлакатимиз журналистларига ана шундай имкониятни муҳайё қилди: қалам аҳли Тошкент шаҳри ва вилояти божхона бошқармалари ҳамда «Тошкент-Аэро» ИБКга таширф буюриб, соҳада олиб борилаётган ўзгаришлардан тўғридан-тўғри воқиф бўлди.

Режага кўра, бевосита танишув Тошкент шаҳар божхона бошқармасидан бошланди. 2018 йилда пойтахтдан хорижга экспорт қилинган товарлар қиймати 3,3 млрд

АҚШ долларини ташкил этган ва 2017 йилга нисбатан 42 фоизга кўпайган. Жорий йилнинг беш ой давомида эса экспорт қилинган товарлар ҳажми қарийб 1,6 млрд АҚШ

долларини ташкил этиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 35,1 фоизга кўпайган. Пресс-турда журналистлар пойтахтимиздаги «Чукурсой» ТИФ божхо-

на постида бўлишди. Мазкур постада жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 18 мингга яқин божхона декларациялари

14-бетда

«Norma Davriy Nashrlari» МЧЖ «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслаҳатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига 2020 йил учун обуна кампаниясини бошлаб,

ОФИСДАН ЧИКМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ишончли маслаҳатчингиз бўлмиш газеталарни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертаמידан фойдаланган ҳолда 2020 йилга обунани расмийлаштиришни таклиф этамиз.

Барча обуначилар учун бонуслар*:

1. «NORMA» ўқув марказининг 2 та профессионал семинарида иштирок этиш.
2. «NORMA» ўқув марказининг семинарларида ва курсларида 30%лик чегирма билан ўқиш.
3. «Жавоб берамиз» хизмати экспертларининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш масалалари бўйича ойда бир марта оғзаки маслаҳати.
4. «Нормальная карта-2020» дисконт картаси – «Gorod Skidok» дисконт дастурининг

- хамкор-ташкilotларида (кафе ва рестороанлар, дўкон ва сервис марказларида) иш, рўзгор ва онла учун товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда катъий белгиланган чегирмалар олиш ҳуқуқини беради.
5. «Poytaxt» радиоси орқали (хоҳишга кўра FM 107,2 – рус тилида ёки FM 103,5 – ўзбек тилида) ўз раҳбари ёки бош бухгалтерини таваллуд қуллари билан қўлаш имконияти.

Обунани имтиёзли даврда (2019 йилнинг 31 августигача) расмийлаштирган обуначилар учун бонуслар*:

6. 2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида «NORMA» ўқув марказининг 1 та семинарида қатнашиш.
7. «NORMA» ўқув марказида «Фойда солиғи» масофавий курсида ўқиш ҳуқуқини берадиган сертификат (1 обуна – 1 киши).
8. Дастлабки 1000 нафар обуначига – «Norma» АКТ «Солиқ навигатори-2020»ни олиш ҳуқуқи /CD-дискларда/ (1 обуна – 1 CD).

*Санаб ўтилган бонуслар фақат 172, 186 индексли босма нашрларга йиллик обунани расмийлаштирган обуначиларга тақдим этилади.

11-12-бетларда

ҚҚСнинг Тўлақонли Занжирини Яратиш

1-бета

изчил ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам давлатга, ҳам тадбиркорга, ҳам аҳолига катта наф келтира бошлаганини ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги ўзгаришлар мисолида хис қилиб турибмиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда имзоланган Фармон эса солиқ ислохотларининг мантқиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ҳукумат олдида бизнес учун тенг шароит ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини ҳосил қилиш, солиқ юкни баб-баравар тақсимлаш, инвестиция иқлимини яхшилаш каби аниқ вазифалар қўйилди.

– Ижтимоий тармоқларни қузатган бўлсангиз, бу бюджет харajatларидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбир сифатида талқин қилинмоқда. Ушбу фикрлар қанчалик ҳақиқатга яқин?

– Афсуски, айрим ҳолларда соҳадаги ўзгаришларнинг тўлиқ моҳиятага етмасдан баҳо бериш ҳолатлари учраб турибди. Агар муносабат ҳолис, асосли бўлса, ҳаммага бирдек фойда. Лекин у одамларни чалғитмаслиги, нотўғри фикрга асос бўлиб қолмаслиги керак.

Бюджет даромадларига келадиган бўлса, таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг биринчи ярим йиллиги якуналари бўйича тушумларнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига таққослаганда 162 фоизни ташкил этди. Яширишнинг ҳожати йўқ, бундай юқори кўрсаткичга мустақиллик йилларида биринчи марта эришилди. Бу эса бюджет даромадларининг барқарорлигидан далолат беради.

– Фармонга биноан, кўпгина солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинмоқда. Бу бизнес ҳамжамияти томонидан қандай қабул қилинди?

– Тўғри таъкидладингиз, Фармон асосида асбест, кўмир, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмлари каби товарларнинг аниқ турлари бўйича имтиёзлар бекор қилинди. Сабаби, мазкур имтиёзлар туфайли

бозор тамойиллари бузилиб, бошқа субъектлар учун нотенг рақобат шароитлари яратилгани ҳолда, ундан тадбиркорлик субъектларининг чекланган доирасигина фойдаланган, ҳолос.

Шунинг учун бизнес ривожига қаратилган яқка тартибдаги имтиёзларни бекор қилиш ташаббуси зўр мамнуният билан қарши олинди.

Олдий мисол: ёғоч материалларини импорт қилишда ҚҚС тўловчи ташкилот ва бундай солиқни тўламайдиган ташкилот «божхонадан ўтказиш»да ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлгани учун ички бозорда турли сотиш нархлари шакллантирилган. Оқибатда улардан бири олдиндан аниқ бўлганидек, яхши фойда кўрмаган. Божхона ва солиқ имтиёзлари бекор қилиниши туфайли барчага бирдек тенг шароит юзага келиб, нархлар истеъмол талаби асосида шаклланади.

– Сухбатимиз мавзуси нарх шаклланиши томон бурилган экан, айтинг-чи, аҳолининг автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчалари ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари қўтарилиши ҳақидаги хавотирлари нечоғли ўринли?

– Бугунги кунда республикамизда автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчаларининг 57 фоизи, бошқача қилиб айтганда, 3 300 та хўжалик юритувчи субъектдан 1 800 таси 2019 йил 1 январдан ҚҚС тўловчи ҳисобланади. Хўш, нархлар ошди-ми? Нефть маҳсулотларининг етказиб берувчилари ҚҚС занжирининг бошида турган нефть базалари ҳисобланади ва ёнилгини ҚҚС билан реализация қилишади.

Ёнилгига чакана нархлар давлат томонидан белгиланганлиги сабабли бошқа автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчаларининг ҚҚСга ўтиши нархларнинг ошишига олиб келмайди.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулоти мисолида айтадиган бўлсак, аграр соҳанинг ушбу тоифаси вакиллари ҚҚС тўловига жалб қилиниши билан қўшилган қийматнинг тўлақонли занжирни тикланади. Бу эса уларнинг йирик чакана савдо тармоқлари ва ишлаб чиқарувчилар билан кооперациясини рағбатлан-

тиради. Бунда ҚҚСнинг жорий этилиши улар томонидан экспорт қилинадиган маҳсулот таннархини камайтириш ва пировардида ташки бозорда рақобат қилиш имконини беради. Шунингдек, ҚҚС «ноль» ставкаси бўйича реализация қилинади ва бюджетдан қайтарилди. Илгари у маҳсулот таннархига киритилган.

Шу ўринда айтиш керакки, ҚҚС тўлашда иштирок этишнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Мисол учун, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилар минерал ўғитлар ва ёнилги-мойлаш материалларини сотиб олган бўлса, у ҳолда, бу кишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қийматига кирган. Бинобарин, агар у ҚҚС тўловчиси қаторига қўшилса, мазкур харажатлари – тўланган солиқ суммасини давлатдан қайтариб олиши мумкин бўлади.

– Фармонда кўзда тутилган ўзгаришларнинг жорий этилиши инвесторлар томонидан бизнес муҳитининг ёмонлашуви сифатида баҳоланмайдими?

– Инвесторларни одапта тўртта солиқ кизиктиради. Шулар ичида энг муҳими фойда солиғи бўлса, бу бизда дунё бўйича деярли энг паст ҳисобланади. Жорий йилда у 12 фоизгача пасайтирилди, дивиденд солиғи 10 фоизни ташкил этади.

Кейинги навбатда, олиб кирган мол-мулкларининг солиққа тортилиши, яъни мол-мулк солиғи ўйланттириши мумкин. Унинг ставкаси бу йил 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди. Ер солиғи ҳам бошқа давлатлар билан солиштирилганда юқори эмас. Қолаверса, инвесторлар олган фойдасини репатриация қилиш, яъни зарур пайтда олиб чиқиб кетишига ишончи комил бўлиши керак.

Барчамиз яхши тушунамиз, ҚҚС билвосита солиқ ҳисобланиб, охириги истеъмолчи томонидан тўланади.

Шунингдек, Фармонга кўра, ҚҚС бўйича ҳисобга олинган сумманинг ҳисобланган суммадан ошган қисмини мажбурий қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Яъни энди нафақат экспорт қилишда юзага келадиган ҚҚС суммаси, балки импорт қилишда ҳосил бўладиган ҚҚС ҳам қайтарилди. Бу халқаро андозаларга тўлиқ мос келади.

Шу маънода, Фармонда назарда тутилган янгилликлар инвестициялар жалб этилишига салбий таъсир қилади, деган хавотирларга асос йўқ.

– Ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун солиқ тўловчилар қанчалик тайёр? Сабаби, ҚҚС занжирини тузилишининг ўзига ҳослиги бухгалтерия ҳисоби тўғри юритилишига боғлиқ бўлиб, ушбу жараёнда уларни қўллаб-қувватлаш учун қандай амалий чора-тадбирлар кўрилади?

– Ҳақиқатан, бизнес кооперациясида кўп ҳолатларда ҚҚС занжирини солиқнинг бу турини тўламайдиган фермер хўжалиқларининг иштироки ҳисобидан узилган. ҚҚСни ҳисоблаб чиқаришнинг ўзига ҳослиги ҳамда ҚҚС тўлашга ўтаётган кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қарийб 62 фоизда бухгалтерлар йўқлигини ҳисобга олиб, Давлат солиқ қўмитаси томонидан замонавий ИТ технологиялардан фойдаланган ҳолда, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича фермер хўжалиқлари учун махсус дастурий маҳсулот ишлаб чиқилди. У охириги ўзгаришлар асосида янада тақомиллаштириляпти.

Бундан ташқари, республиканинг ҳар бир туманида «Солиқ сервис» ДУКнинг худудий бўлимлари фаолият кўрсатмоқда, улар ушбу фермер хўжалиқларига манзилли хизмат кўрсатади, уларнинг бухгалтерия ҳисоби юритилишида яқиндан кўмак беради.

Шу билан бирга, жорий йилнинг якунига қадар электрон ҳисобварақ-фактура тизими жорий қилинади, бу эса ҚҚС занжирининг тўғри тузилишига ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармони барча хўжалик юритувчи субъектлар учун адолатли рақобат муҳитининг яратилишини таъминлайди. Солиқ органлари эса инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бормоқда.

– Мазмунли сухбатингиз учун ташаккур!

Саид РАҲМОНОВ

суҳбатлашди.

«Халқ сўзи», 3.07.2019 йилдаги

135 (7365)-сон

УШБУ СОНДА:

● ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

– ҚҚСнинг тўлақонли занжирини яратиш
1-2-бетлар

● БОЖХОНА

- Минг эшитилган, бир кўрган афзал
- Янгиланиш экинлари олис Қорақалпоқда
- Ҳужжатлар солиштирилганда...
- «ДАҒ»даги контрафакт даф қилинди
- Мисқоллаб ташилганда...
- Ботмонлаб ортилганда
- Керагдан ортик хушбўйлик
- Дори дармон бўлармикми?
- Иш сайёр судда кўрилади
- Time is money

– «Посебонман муқаддас юртининг»

– Фарзандингиз тамагир бўлмасин
1, 10, 14-16-бетлар

● СОЛИҚ СОЛИШ

- Ҳомийлик рекламаси
- ҚҚСни ҳисобга олиш: пудратчининг хизматлари бўйича, норезидент хизматларига
- Импорт пиво: акциз солиғисиз сотиш
- Норезидентлар учун ЖШДС бўйича имтиёзлар
- Жисмоний шахс нотураб жойини сотганда тўланадиган солиқ
- ҚҚСни тузатиш учун – қўшимча ҳисобварақ-фактура
- ҚҚС: ҳисобга олиш усуллари
- Қурилиш тўталланди – солиқ тўлаш вақти келди
3-4, 7-бетлар

● ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг қарори

– «Импорт қилинган товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

Идоравай мейёр-ий ҳуқуқий ҳужжат

– ЎЗР ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи
5-6-бетлар

● БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Банкда ҳисоб-китоб счётини очамиз

8-10-бетлар

● СОЛИҚЛАР ВА ЙЎГИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақими
11-12-бетлар

● АМАЛИЙ ТАКЛИФ

– Оммавий оферта
11-12-бетлар

● ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Текширувнинг текширувдан фарқи бор

– Ўтган йилги боқимонда: нима қилиш керак?

– Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим бўйича хизматлар – «ҚҚСнз»

– Адвокатнинг молиявий ҳисоботи: муддатлар ва жавобгарлик
13-бет

● ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

– Учкун алағна олмасин!
16-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

? Корхонамиз соддалаштирилган ҚҚСни қўллаган ҳолда умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Тошкент вилоятининг тоғли туманларида ўтказилган скайранинг (тезкор усулда тоққа кўтарилиши) мусобақаларига ҳомийлик қилдик. Ҳомийликдан мақсад – автомобиллар ижараси хизматлари бозорида янги ташиқлотимизга буюртма олишга йўналтирилган реклама акцияси.

Акцияга доир харажатлар:

- 1) тоғда ўтказиладиган акция вақтида корхона ходимларини озиқ-овқат билан таъминлаш;
- 2) мусобақа ғолибларига ресторан ва дам олиш зоналарига бориш учун совринли сертификатларни сотиб олиш ва тақдим этиш;
- 3) хизматларимиздан – автомобил ижарасидан бир марталик бепул фойдаланиш учун ғолибларга сертификатлар тақдим этиш.

Реклама мақсадларида ҳомийлик қилинганда юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ мажбуриятлари қандай бўлади?

ҲОМИЙЛИК РЕКЛАМАСИ

– Реклама – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, махсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатилган махсус ахборот («Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси).

Реклама акцияси раҳбар буйруғига биноан ўтказилади. Унда тадбир ўтказиладиган муддатлар, жой ва унинг тавсифи, бюджет, масъул шахслар ва ҳ.к. қайд этилади. Акция ўтказилганидан кейин масъул шахс раҳбар томонидан тасдиқланган барча ҳужжатларни илова қилинган ҳолда далолатномани тайёрлайди.

Реклама акцияси вақтида ходимларни овқатлантириш

Ходимларнинг ишлайдиган жой – Тошкент шаҳри. Улар ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топширигини бажариш учун юборилганда хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқ расмийлаштирилиши ва сафар гувоҳномаси берилиши лозим (АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 1, 2-бандлари).

Хизмат сафарига юборилган ходимга (Йўриқноманинг 9-банди):

- турар жой ижараси бўйича харажатлар. Ушбу харажатлар мазкур хизмат сафарига мавжуд эмас;
- хизмат сафари жойига бориш ва иш жойига қайтиш харажатлари қопланади. Автомобилларни ижарага берувчи сифатида корхонамиз бориш ва келишни таъминлади;
- суткалик пуллар тўланади.

Суткалик харажатлар нормаси – 0,08 ЭКИХдан (16 218,40 сўм) кам бўлмашлиги керак (Йўриқноманинг 11-банди). Мазкур ҳолатда алоҳида суткалик пуллар тўламайсиз. Суткалик харажатларни озиқ-овқат махсулотлари билан қопладингиз деб ҳисоблаш мумкин.

Овқатланиш харажатлари суткалик нормалардан юқори бўлганда, ортиқча сумма меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 174-моддаси 9-банди) ҳамда ЖШДС ва ЯИТ солинади.

Мусобақа ғолибларига ресторан ва дам олиш зоналарига бориш учун совринли сертификатларни сотиб олиш ва тақдим этиш

Мусобақа ғолиблари корхонамиздан моддий наф тарзидаги даромадларни олганлар (Солиқ кодексининг 177-моддаси 1-қисми 1-банди). Айтилик, сиз мусобақа ғолибларидан улар мустақил равишда даромадларини декларациялаши ва солиқ тўлаши ҳақида ариза олмагансиз (Солиқ кодексининг 184-моддаси 3-қисми). ЖШДС тўланиши керак бўлганлиги сабабли корхонамиз солиқни ўзи бюджетга тўлаши шарт (Солиқ кодексининг 185-моддаси 4-қисми). Эслатиб ўтамиз, солиқ тўловчи жисмоний шахс учун учинчи шахслар тў-

лайдиган солиқ суммаси унинг солиқ солинадиган даромади ҳисобланмайди (26.06.2018 йилдаги ПҚ-3802-сон қарорнинг 4-банди).

Корхона хизматларидан – автомобиль ижарасидан бир марталик бепул фойдаланиш учун ғолибларга сертификатлар тақдим этиш

Сертификат олувчи хизматлардан фойдаланса, корхона мазкур ҳолатда ўз хизматини (автомобилни ижарага бериш) бепул кўрсатади. Хизмат таннари ҳисобланиши (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.1.2.8-банди) ва солиқ солиш чоғида солиқ солинадиган тушумга киритилиши лозим.

Бошқа солиқ оқибатлари

Қўшилган қиймат солиғи. Реклама мақсадларида фойдаланиладиган ўз фаолияти натижаларига (тайёр махсулот, ишлар, хизматлар) ҚҚС солиш масаласи Солиқ кодексига етарлича аниқ баён қилинмаган.

Солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун хизматлар кўрсатиш (ҚҚС солиш мақсадида) реализация қилиш обороти ҳисобланмайди, чегирилмайдиган харажатлар бундан мустасно (Солиқ кодексининг 199-моддаси 2-қисми 1-банди).

Солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун оборот деганда мулкчилик ҳуқуқи ўтказилмасдан корхона ичида ўз хизматларидан фойдаланиш назарда тутилади. Бундай ҳуқуқнинг ўтиши мавжуд бўлганда, Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 1-банди қўлланилади: хизматларни, шу жумладан бепул кўрсатиш реализация қилиш обороти деб эътироф этилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, реклама мақсадларида бепул хизматлар кўрсатиш ҚҚС солинадиган оборотларга киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Фойда солиғи. Реклама учун харажатлар чегирилладиган харажатларга киритилади (Солиқ кодексининг 145-моддаси 10-банди). **Бошқа шахсларга реклама сифатида кўрсатилган хизматларнинг таннари** фойда солиғини ҳисоблашда тушум тарикасида ҳисобга олинмайди, балки корхона харажатларида акс эттирилади.



Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

ҚҚСни ҲИСОБГА ОЛИШ:

ПУДРАТЧИНИНГ ХИЗМАТЛАРИ БЎЙИЧА

? ҚҚС (20%) тўловчи корхона ўзи фойдаланиши учун ижарага олган офисини таъмирляпти. Ижарага берувчи жорий таъмирлаш харажатларини қопламайди.

Мазкур вазиятда корхона пудратчи харид қилган материаллар ва хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиши мумкинми?

– Корхона ўзи фойдаланиши учун офисни таъмирляпти. Фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда ижарага олинган бинони таъмирлаш харажатлари чегирилладиган харажатлар ҳисобланади (Солиқ кодексининг 141-моддаси 6-қисми 4-банди, 145-моддаси 2-банди). Ушбу харажатлар бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммалари рўйхатига киритилмайди (Солиқ кодексининг 219-моддаси).

Пудратчи ҚҚС тўловчи ҳисобланса ва ҚҚСни ажратиб кўрсатган ҳолда ҳисобварақ-фактура тақдим этса, корхона (буюртмачи-ижарага олувчи) ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлади (Солиқ кодексининг 218-моддаси).

НОРЕЗИДЕНТ ХИЗМАТЛАРИГА

? Қўшма корхонамиз ҚҚС (20%) тўлайди. Муассислардан бири – Корея корхонаси билан улар ходимларининг бош директор сифатида бизга хизмат сафари билан келиши ҳақида битим туздик. Битимга кўра, ҳар ойда «Ходимнинг хизмат сафарига оид тўловларни компенсациялаш» бажарилган ишлар далолатномасига мувофиқ 10 000 АҚШ долларини Корея тарафига ўтказамиз. Кореяга ўтказиладиган суммадан норезидент хизматлари учун ҚҚС тўлаймиз. Норезидентнинг ходимларни бериш бўйича хизматларига тўланган ҚҚСни ҳисобга киритса бўладими?

– Норезидент хизматларига ҚҚС тўлаб тўғри қиляпсиз ва уни ҳисобга олишингиз мумкин.

Ходимларни бериш хизматларини олишда ходимлар ЎзРда ишлайдиган бўлса, реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон эътироф этилади (Солиқ кодексининг 202-моддаси 3-қисми 4-бандининг 4-хатбошиси). Норезидент томонидан тақдим этилган хизматларни реализация қилиш жойи Ўзбекистон бўлса, уларни олувчи томонидан ҚҚС солиниши керак (Солиқ кодексининг 207-моддаси).

Норезидентнинг хизматларига ҚҚСни қуйидаги ҳолларда ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўласиз:

- солиқ ҳақиқатда бюджетга тўланган бўлса (Солиқ кодексининг 218-моддаси 1-қисми 4-банди);
- олинган хизматдан солиқ солинадиган оборотлар мақсадида фойдаланилса (Солиқ кодексининг 218-моддаси 1-қисми 1-1-банди).

Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот мавжуд бўлганда, фақатгина норезидентнинг хизматларига тўғри келадиган ҚҚС суммаси ҳисобга олинади (Солиқ кодексининг 221-моддаси).

Эслатиб ўтамиз: норезидентнинг ходимларни бериш бўйича хизматларига ягона ижтимоий тўлов ҳам солиниши керак (Солиқ кодексининг 306-моддаси 2-қисми).

ИМПОРТ ПИВО: АКЦИЗ СОЛИҒИСИЗ СОТИШ

? Ташкилот кейинчалик қайта сотиш учун импорт пивони олиб киради. Божхонада тозалаш чоғида акциз солигини тўлайди. Импорт пивони реализация қилганда акциз солиғи тўланадими?



– Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган пиво реализация қилинганда акциз солиғи ишлаб чиқарувчилар томонидан тўланади (*Солиқ кодексининг 230-моддаси; Ставкаларнинг 5-банди, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 19-илова*). Импорт қилинган пиво реализацияга акциз солиғи солинмайди.

Пивони импорт қилиш чоғида тўланган акциз солиғи суммаси унинг таннарига киритилади (*АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 13-банди*).

? Корхонамиз «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини (2.03.2017 йилдаги ПҚ-2813-сон) амалга оширишда иштирок этаяпти. Лойиҳа доирасида ва Осийё тараққиёт банки маблағлари жалб қилинган ҳолда банк кредити ҳисобига импорт бўйича ускунани сотиб олдик. Уни монтаж қилиш учун хоризжий мутахассислар келди. Биз уларнинг меҳмонхонада яшаш ва овқатланиши учун ҳақ тўладик. Имтиёزلарни қўллаш ва жисмоний шахслар – норезидентларнинг даромадларига солиқ солмаслик мумкинми?

НОРЕЗИДЕНТЛАР УЧУН ЖШДС БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

– Президентнинг «Осийё тараққиёт банки иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат яратиш занжирини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори (2.03.2017 йилдаги ПҚ-2813-сон) билан қуйидагилардан озод этиш кўринишидаги имтиёзлар тақдим этилган:

- товарлар, ишлар, хизматларга ҚҚС ва божхона тўловлари;



- жисмоний шахслар – норезидентларнинг даромадларига солинадиган ЖШДС.

Қуйидагилар амалга оширилган тақдирда, корхонангиз ҳақиқатан ҳам кўрсатилган лойиҳага киритилган ҳисобланади:

- кредит шартномангизда бу ҳақда қайд этилган бўлса;

- божхонада ускунани импорт қилиш чоғида ПҚ-2813-сон қарорга мувофиқ божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган бўлса.

Сиз лойиҳа иштирокчиси бўлсангиз, жисмоний шахслар – норезидентлар даромади бўйича имтиёзни қўллашингиз мумкин.


ЖИСМОНИЙ ШАХС НОТУРАР ЖОЙНИ СОТГАНДА ТЎЛАНДИГАН СОЛИҚ

? Ўзбекистон фуқароси 2009 йилда ҳада шартномаси бўйича олган нотура жойини 2018 йил апрелда 310 млн сўмга сотди. Ҳада шартномасида бино қиймати кўрсатилмаган. Кадастрга кўра инвентаризация қиймати 12,5 млн сўм. Кадастр қиймати ҳисобланмаган ва кадастрда кўрсатилмаган.

1. Ҳада шартномасини бинонинг харид қийматини тасдиқловчи ҳужжат деб ҳисоблаш мумкинми?

2. Ҳада шартномаси бўйича олинган бино жисмоний шахслар томонидан сотилганда солиқ солинадиган даромад қандай ҳисобланади?

– Жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар жисмоний шахсларнинг мулкый даромадлари таркибига киритилади. Улар мазкур мол-мулкни реализация қилиш суммасининг ҳужжатлар билан тасдиқланган уни олиш қийматидан ошган қисми сифатида аниқланади. Мол-мулкни олиш қийматини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкни реализация қилиш қиймати, кўчмас мулк бўйича эса, кадастр қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ даромад деб эътироф этилади (*Солиқ кодексининг 176-моддаси 4-банди*).



1 Бинонинг ҳада шартномасида совғанинг қиймати кўрсатилмаган. Яъни мазкур шартнома бинонинг харид қийматини тасдиқловчи ҳужжат деб эътироф этилмайди.

2 Мазкур ҳолатда кадастр қиймати ва реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ ЖШДС солинадиган даромад бўлади. 2018 йилга қадар ушбу даромад кўчмас мулкнинг инвентаризация қиймати айирмаси ҳисобланган. 29.12.2017 йилдаги ЎРҚ-454-сон Қонун билан Солиқ кодексининг 176-моддаси 4-бандига ўзгартиришлар киритилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 20.07.2018 йилдаги 561-сон қарори билан Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган нотура кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисида низом (1-илова) тасдиқланган.

Нотура кўчмас мулк объектларининг ушбу Низомга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган кадастр қиймати фақат жисмоний шахсларнинг мол-мулк солигини ҳисоблаш учун қўлланилади (*Низомнинг 2-банди*).

Қонун ҳужжатларидаги бир нечта ноаниқликларни келтираемиз:

- Низомда фақат жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳақида сўз борапти. Лекин кадастр қиймати нафақат мол-мулк солиғини ҳисоб-китоб қилишда (*Солиқ кодексининг 274-моддаси*), балки кўчмас мулкни сотиш чоғида ЖШДС солиш учун даромадларни ҳисоблашда ҳам қўлланилади (*Солиқ кодексининг 176-моддаси 4-банди*);

- ВМнинг 561-сон қарори 3-бандида кадастр қиймати аниқлангунга қадар мол-мулк солиғи қандай ҳисобланиши кўрсатилган (2018 йилда 1,2 коэффицентини қўллаган ҳолда). Бироқ бунда ЖШДС қандай ҳисобланиши кўрсатилмаган;

- мол-мулк солиғи бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, қонун ҳужжатлари билан белгиланган мол-мулкнинг шартли қиймати солиқ солинадиган ба-

за ҳисобланиши кўрсатилган (*Солиқ кодексининг 274-моддаси*). Мисолда кўриб турганимиздек, Солиқ кодексиди мол-мулк солиғи бўйича кадастр қиймати (мол-мулк баҳоси) мавжуд бўлмайдиган ҳолатлар ҳам келтирилган, лекин ЖШДС ҳисоб-китоби учун бундай қоида назарда тутилмаган. ЖШДСни ҳисоблашда ҳам шунга ўхшаш норма назарда тутилиши керак.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, масала ечимининг 2 та вариантини келтираемиз.

1-вариант. Кадастр ишида фақат бинонинг инвентаризация қиймати – 12,5 млн сўм кўрсатилган. Мол-мулкнинг бошқа баҳоси йўқлиги сабабли мазкур битим бўйича солиқ солинадиган даромад 297,5 млн сўмни ташкил қилади (сотиш баҳоси – 310 млн сўмдан кадастрда кўрсатилган инвентаризация қиймати – 12,5 млн сўм чегирилади).

2-вариант. 1-вариант маъқул келмаса, мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинадиган базани ҳисоблаш сингари, мол-мулкнинг шартли қийматини ҳисобга қабул қилиш кераклигини исботлашга ҳақлисиз. Мол-мулк солиғи бўйича 2018 йилга мол-мулкнинг шартли қиймати Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек вилоят марказларида 210 000 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 90 000 минг сўм миқдориди белгиланган (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорга 18-илова).

Мазкур ҳолатда ўз фикрингизда катъий туришингизга тўғри келади. Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли объектларнинг кадастр қийматини ҳисоблаш масалалари бўйича юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал этилади (*Низомнинг 16-банди*).

Эслатиб ўтамиз, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинади (*Солиқ кодексининг 11-моддаси*).

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомининг 8 ва 9-иловаларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойида ҳисобга олиш тўғрисида фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатга қайд варағи (бундан буён матнда қайд варағи деб юритилади) ёки BARE-CODE билан ҳимояланган қайд варағини беради.

Қайд варағи қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади. Қайд варағи ҳамда BARE-CODE билан ҳимояланган қайд варағи фуқаронинг турган жойида ҳисобга олинганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва паспорт, ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳнома ёки турилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (16 ёшга тўлмаган шахслар учун) кўрсатилган тақдирда унда кўрсатилган муддат мобайнида ҳақиқийдир).

4. 9-банддаги «турар жой майдони берган уй-жой мулкдори (мулкдорлари)» деган сўзлар «ижарага олинган уй-жойда биргаликда яшайдиган вояга етган шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 13-банддаги «ўқш даврига (таълим давомийлигини назарда тутувчи муддатга)» деган сўзлар «турар жойи (уй-жой майдони) бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 16-банднинг биринчи хатбошисидан «ва қайд варағи олиб кўйилишини таъминлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 23 ва 24-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«23. Ҳисобга олишни қайта расмийлаштириш мазкур Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Қуйидагилар:
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш жойи бўйича турган вақтида мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши;

шахсининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бундан буён бўлиши жамоат тартиби бузилиши учун шарт-шароитлар яратиши тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Йўриқноманинг 4-бандида назарда тутилган ҳужжатларда нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобга олишни расмийлаштиришни рад этилиши учун асос ҳисобланади.

24. Фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга туриши рад этилган тақдирда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими инспектори томонидан ҳулоса тузилади, ушбу ҳулоса миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади, унда рад этишнинг аниқ асослари кўрсатилган бўлиши керак.

Фуқароларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга туриши рад этилган тақдирда, уларга рад этишнинг аниқ асосларини келтирган ҳолда бир сутка мобайнида хабар қилиниши лозим.

Ҳисобга туришни расмийлаштиришнинг рад этилиши юзасидан суд тартибида шикоят қилиш мумкин.

8. 26 ва 27-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26. МваФРБ инспектори ариза берувчига қайд варағи бергандан кейин ҳисобга кўйилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни МваФРБнинг компьютер маълумотлар базасига киритади.

МваФРБ инспектори фуқаронинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги келиш варақасини мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирди ва бир сутка мобайнида уларни Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБнинг манзил-маълумотномалар бюросига юборади.

27. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги меҳмонхоналар, даволаш муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва шунга ўхшаш бошқа ташкилотларнинг масъул шахслари 12 соат мобайнида ушбу ташкилотларга келган фуқаролар ҳақидаги маълумотларни Интернет тармоғи орқали ихтисослаштирилган электрон автоматлаштирилган дастурга киритиб қўядилар.

МваФРБ фуқароларни ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар компьютер маълумотлар базасига киритилгандан кейин уларни реал вақт режимда маълумотларни узатишнинг идоровий тармоғи бўйича Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасининг (МваФРБ) марказий маълумотлар базасига юборади.

9. 28-банд ҳамда 7 ва 8-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. Қуйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:
«34¹. Фуқаронинг ҳисобга олиш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.»

11. 35-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«35. Мазкур Йўриқнома талабларига риоя этилишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Нотурар жой биноларга фуқароларни доимий прописка қилиш ва ҳисобга олишни расмийлаштириш тақиқланади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар истисно тариқасида нотурар жой биноларга ҳисобга олиниши мумкин.

Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга олинмаган фуқароларнинг яшashi учун турар жой майдони тақдим этадиган уй-жой мулкдори (мулкдорлари) турар жой майдони берилган кундан бошлаб беш кун мобайнида ушбу шахслар тўғрисида ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.»

12. Қуйидаги мазмундаги 35¹-банд билан тўлдирилсин:
«35¹. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларидан турган жойи бўйича ҳисобга туриш учун ушбу зонага киришга яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан чегара зонасига киришдан олдин белгиланган тартибда олинган рухсатнома ҳам тақдим этилади.

13. 1-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига** мувофиқ тахрирда баён қилинсин.

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиғи билан келишилган.

**Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Импорт қилинган товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида».

• ИДОРОВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎзР ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР ҲАРАКАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда импорт қилинган товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Импорт қилинган товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 16 май
410-сон.

ЎзР ВМнинг
2019 йил 16 майдаги
410-сон қарорига
ИЛОВА

ИМПОРТ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР ҲАРАКАТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми импорт қилинган товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш тартибини белгилайди.

2. Низомининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга (кейинги ўринларда импорт қилувчилар деб аталади) татбиқ этилади.

3. Импорт қилинган товарлар ҳаракатини назорат қилиш ҳамда солиқлар ва боғжона тўловлари бўйича ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тартиби ушбу Низомига иловага** мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-БОБ. ТОВАРЛАР ИМПОРТИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ШАҚИЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

4. Давлат боғжона қўмитаси идоралараро ахборот алмашинуви воситаси орқали қуйидаги маълумотларни:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сон қарорига асосан солиқ тўловчиларнинг экспорт-импорт операциялари ҳамда товарлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4059-сон қарорга асосан соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган импорт операциялари тўғрисидаги маълумотларни боғжона ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг уч кун муддатда Давлат солиқ қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлигига тақдим этади.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 17.05.2019 йилдан қучга кирди.

**Мазкур Низомига илова «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

3-БОБ. СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ

5. Давлат божхона кўмитасидан келиб тушган маълумотлар асосида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасида ҳар бир импорт қилувчи бўйича назорат карточкалари юритилади.

6. Импорт қилувчилар фаолияти давлат солиқ хизмати органларининг «Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулотидаги таҳлил йўналишларига асосан таҳлил қилинади ҳамда якуний натижалар балли тизим асосида солиққа оид ҳуқуқбузарлик хавфи даражасидан келиб чиқиб баҳоланади.

Баҳолаш натижаларига кўра, солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи куйидаги учта даражага бўлинади:

а) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори бўлган импорт қилувчилар;

б) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи ўртача бўлган импорт қилувчилар;

в) солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган импорт қилувчилар.

7. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи паст бўлган импорт қилувчилар назоратдан чиқарилади.

8. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этиш хавфи юқори ва ўртача бўлган импорт қилувчиларнинг фаолияти улар тақдим этган молиявий ва солиқ ҳисоботлари ҳамда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (туғатилиши) тўғрисида маълумот тақдим этадиган идора ва ташкилотлардан келиб тушган маълумотлар асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан камерал назоратдан ўтказилади.

9. Камерал назорат натижасига кўра, солиқ ҳисоботларида тафовутлар мавжудлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасида белгиланган тартибда солиқ тўловчига талабнома юборилиб, хатоликларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

10. Камерал назорат натижалари бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ахборотнинг ишончлилигини ҳамда импорт қилувчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўллашнинг қонунийлигини тасдиқлаш учун жойига чиққан ҳолда мавзули экспресс-ўрганиш амалга оширилади.

11. Камерал назорат ва мавзули экспресс-ўрганиш натижасига кўра:

импорт қилинган товарлар реализация қилинганлиги ҳужжат билан тасдиқланганда, товарларни реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш ре-

гистрларида акс эттирилмаганлиги, товарлар реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги, ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг оморда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқлар ва бошқа тўловлар ҳисобланади;

солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли ва белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ёки импорт қилинган товарларнинг имтиёзли давр тугашига қадар бошқаларга берилиши (сотилиши), шунингдек, ўз эҳтиёжи (ишлаб чиқариши) учун импорт қилинган товарлар реализация қилинганлиги аниқланганда, солиқларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чоралари кўрилади.

12. Мавзули экспресс-ўрганишлар натижасида солиқ тўловчилар фаолиятида жиноят аломатлари мавжуд деб топилган ҳолларда, давлат солиқ хизмати органлари материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборади.

13. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчи фаолиятида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат божхона хизмати органларига, метрология ва сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари бўйича «Ўзстандарт» агентлигига ва бошқа қонунбузилишлари тўғрисида тегишли вазирликлар ва идораларга қонунбузилишлари ҳолати аниқланган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай маълумот тақдим этилади.

14. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида келиб тушган маълумотларни давлат божхона хизмати органлари хавфни бошқариш тизими доирасида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб назорат қилиб боради.

15. «Ўзстандарт» агентлиги импорт қилувчилар томонидан мувофиқлик сертификатини тақдим этмаганда, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун республика ҳудудига олиб кирилган ўлчаш воситалари учун божхона ҳужжатлари расмийлаштирилган кундан бошлаб икки ой давомида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқлик сертификати олинишини назорат қилади.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

16. Ушбу низоом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА

№ 28 (1300) - 2019 йил 9 июль

6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҲҲҲҲҲ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТУРГАН ЖОЙИ БҲҲҲҲҲ ХИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТҲҲҲҲҲДАГИ ЙҲҲҲҲҲНОМАГА ҲҲҲҲҲТИРИШ ВА ҚҲҲҲҲҲЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2804-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2016 йил 16 майдаги 79-сон буйруғи (рўйхат рақами 2804, 2016 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 26-сон, 321-модда) билан тасдиқ-

ланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Вазир
П.БОБОЖОНОВ.

Тошкент ш.,
2019 йил 4 май
121-сон.

ЎзР ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 майдаги 121-сон буйруғига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТУРГАН ЖОЙИ БҲҲҲҲҲ ХИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТҲҲҲҲҲДАГИ ЙҲҲҲҲҲНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ҲҲҲҲҲТИРИШ ВА ҚҲҲҲҲҲЧАЛАР

1. 2-банднинг биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Фуқарони Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ҳисобга олиш фуқарони доимий яшаш жойидан пропискадан чиқармасдан беш кундан бир йил муддатга амалга оширилади ҳамда бу Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турар жой сотиб олиш учун асос ҳисобланмайди. Доимий пропискадан ўтмаганлик турган жойи бўйича ҳисобга олишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.»

2. 4-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган фуқаролар келган кундан бошлаб беш кун муддатда ўзи вақтинча турган жойдаги туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) (бундан буён матнда ТШИБ деб юритилади) миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимига (бўлимасига) (бундан буён матнда МваФРБ деб юритилади) куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманин 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза;

паспорт;
контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);
туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35x45 мм ўлчамдаги икки дона расм 16 ёшга тўлмаган шахслар учун;

мазкур Йўриқноманин 2-иловасига мувофиқ шаклда уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розиллиги);

уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтарилади);

ҳисобга олинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (қариялар ва ногиронларнинг интернат-уйларида яшовчи қариялар ва ногиронлар, шунингдек мактаб-интернатлар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг тўлиқ давлат таъминотида бўлган ва ётоқхоналарда яшовчи ўқувчилардан ташқари);


Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканин бошқа минтақаларидан мавсумий иш билан шуғулланишга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) келган фуқаролар учун мавсумий иш ҳақида шартнома ёки мавсумий иш берувчининг аризаси бўлса ушбу банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошидаги ҳужжатлар талаб этилмайди.»

3. 7-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Мазкур Йўриқноманин 4-бандида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан кейин ТШИБ МваФРБ инспектори фуқаронинг аризасини мазкур Йўриқноманин 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Фуқароларнинг турган жойи бўйича ҳисобга олиниши юзасидан ёзган аризаларини қайд этиш китобида рўйхатдан ўтказди, уларни ўрганиб чиқади ҳамда ўша куннинг ўзида ариза берувчига Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон

*Ушбу буйруқ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 13.06.2019 йилдан қучга қиради.

РЕКЛАМА

 **«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**
Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та.Нимаржон кўч., 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

2

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА

www.orm.uz

№ 28 (1300) - 2019 йил 9 июль

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА

3



ҚҚСНИ ТУЗАТИШ УЧУН – КЎШИМЧА ХИСОВВАРАҚ-ФАКТУРА

? *Офис учун бинони ижарага олганмиз. Ижарага берувчи бино ижараси учун алоҳида ва коммунал харажатларни қоплаш учун алоҳида ҳисобварақ-фактурани тақдим этаяпти. Ижарага берувчи электр энергияси учун ёзиб берилган счётлар ТошшаҳарПЭС томонидан ҳисобланганидан кўпроқ эканлигини аниқлади. Энди у ортиқча тўланган суммани бизга қайтармоқчи.*

Электр энергияси етказиб берилиши учун ортиқча тўланган суммаларни ижарага берувчи томонидан ижарачига қайтарилиши операцияси қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилади?

– Қоплаш учун нотўғри суммалар кўрсатилган ҳисобварақ-фактуралар тақдим этилиши оқибатида харажатлар суммаси ва ҳисобга олинандиган ҚҚС суммаси ҳам нотўғри бўлади.

Етказиб берувчилардан коммунал хизматлар ва электр энергиясини олувчи ижарага берувчи уларни ижарага олувчиларга беради ҳамда фойдаланилган хизматлар миқдорига ҳисобварақ-фактураларни тақдим этади (*Тартибнинг 47-банди, 3-қисми, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган*).

Унда ушбу хизматлар қиймати-га тўғри келувчи ҚҚС суммаси ажратилган ҳолда қопланиши лозим бўлган сумма ва ижара ҳақи суммаси алоҳида қаторларда кўрсатилади. ҚҚС суммаси ижарага олувчида ҳисобга қабул қилинади (*Тартибнинг 48-банди*).

Шартномага мувофиқ қиймати ижарага олувчи томонидан қопланиши лозим бўлган коммунал хизматлар ва электр энергияси учун ижарага берувчи томонидан тўланган суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди (*Тартибнинг 49-банди*).

Нотўғри берилган маълумотлар **кўшимча ҳисобварақ-фактура**ни расмийлаштириш орқали тузатилади. Олинган хизматлар қиймати ўзгартирилганда харидор аввал ҳисобга олинган ҚҚС суммасига тегишли равишда тузатиш киритади. Солиқ солинадиган базага кўшимча ҳисобварақ-фактура асосида тузатиш киритилади (*Солиқ кодексининг 222-моддаси*).

Кўшимча ҳисобварақ-фактурада камайтирилган суммалар «айирув» белгиси билан акс эттирилади.

ҚҚС: ҲИСОВГА ОЛИШ УСУЛИ

? *Дори воситалари билан улгуржи савдо қилувчи корхона учун ҚҚСни ҳисобга олишининг алоҳида-алоҳида ва мутаносиб усулларига қандай фарқ бор?*

– Солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборотлар мавжуд бўлганда, ҳисобга олинандиган ҚҚС суммасини аниқлаш учун алоҳида-алоҳида ва (ёки) мутаносиб усуллардан бири қўлланилади (*Солиқ кодексининг 221-моддаси*).

Мутаносиб усул қўлланилганда ҳисобга олинандиган ҚҚС суммаси солиқ солинадиган оборотнинг умумий оборот суммасидаги улушидан келиб чиқиб аниқланади.

Алоҳида-алоҳида усул қўлланилганда ҚҚС тўловчи солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган оборот максдаларида фойдаланиш учун олинган товарлар (ишлар, хизматлар) юзасидан харажатлар ҳамда ҚҚС суммалари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади. Бунда алоҳида-алоҳида ҳисобни юритиш имкони

бўлмаган умумий харажатлар бўйича харажатлар мутаносиб усулда тақсимланади.

Қўлланиладиган усул корхонанинг ҳисоб сиёсатида қайд этилиши лозим.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш оборотлари ҚҚСдан озод этилган (*Солиқ кодексининг 208-моддаси 13-банди*). Мазкур товарлар бўйича етказиб берувчиларга ва импорт бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) ҚҚС ҳисобга олинмайди, балки уларнинг қийматида ҳисобга олинади (*Солиқ кодексининг 221-моддаси 1-қисми*). Лекин корхонагизда ҚҚС тўлашдан озод этилмаган оборотлар ҳам бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатда ушбу усуллардан бирини қўллаб, ҳисобга олинандиган ҚҚС суммаси аниқланади.

ҚУРИЛИШ ТУГАЛЛАНДИ – СОЛИҚ ТЎЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

? *Корхонанинг асосий фаолият тури – биологик фаол кўшимчалар (БФК) ишлаб чиқариш. 2019 йилдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтдик. 2017 йил майда фаолиятни кенгайтириш мақсадида бино қуриш учун ер олдик. Лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш тугайдиган сана кўрсатилмаган. 2019 йил мартда давлат қабули далолатномаси имзоланди, кадастр олинди. Бироқ ҳозиргача бинонинг ички ишлари қилинмоқда, ёнгина қарши сигнализация ўрнатилмоқда. Бухгалтерия бўйича ишга тушириш далолатномаси тузилмаган.*


1. Қайси вақтдан тугалланмаган қурилиш тугалланган ҳисобланади?
2. Қурилиш қиймати ҳар ойда ошайтганлиги сабабли мол-мулк солиги бўйича аванс тўловлари тўғрисидаги маълумотнома қачон тақдим этилиши керак?
3. Ер солиги қайси ставка бўйича ҳисобланади?

1 Қурилиш фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланиши билан тугалланади. Фойдаланишга қабул қилинган бино бўйича кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилади (*Низомнинг 35-банди, ВМнинг 29.12.2018 йилдаги 1060-сон қарорига 1-қисми*).

Сизнинг бино давлат қабули далолатномаси имзоланган кундан бошлаб фойдаланишга қабул қилинган деб ҳисобланади. Бу бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Ёнгина қарши сигнализация лойиҳа-смета ҳужжатларида (ЛСХ) ҳисобга олинмаган бўлса, у корхона ҳисоб сиёсатида мувофиқ АВ мезонларига мос келса алоҳида асосий восита объекти сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Муайян мустақил вазибаларни бажариш учун мўлжалланган, барча қурилмалари ва анжомларига эга бўлган объект ёки алоҳида конструктив асосдаги буюм ёхуд бутун бир яхлитликни ифодаловчи ва муайян ишларни бажариш учун мўлжалланган конструктив жамланган буюмларнинг алоҳида мажмуи АВ инвентарь объекти деб тан олинади (*АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган 5-сон БХМСнинг 5-банди*).



2 Сизда жорий йилнинг март ойида мол-мулк солиги солинадиган кўшимча объект пайдо бўлган. Шу сабабли давлат қабули далолатномаси имзоланган санадан (солиқ мажбурияти юзага келган санадан) эътиборан 30 кундан кечиктирмай назарда тутилаётган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишингиз керак (*Солиқ кодексининг 271-моддаси 4-қисми*).

3 Қурилишингиз тугалланган. Шу боис белгиланган (оширилмаган) ставка бўйича фойдаланишга топширилган бино банд қилган ер участкаси учун ер солиги тўланади.

Норматив муддатда тугалланмаган қурилиш объектилари жойлашган ер участкалари бўйича ер солиги улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилган хулоса асосида, оширилган ставкалар бўйича тўланади (*Солиқ кодексининг 283-моддаси*). Қурилиш ишлари муддати 24 ойдан кам давом этганлиги сабабли сизда бундай хулоса йўқ деб ҳисоблаймиз.

РЕКЛАМА

**«СОЛИҚЛАР:
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертилари тайёрлади.

БАНҚДА ҲИСОБ-КИТОБ СЌЌТИНИ ОЧАМИЗ

Ҳар бир юридик шахс ва хусусий тadbиркор олдиди камиди бир марта сЌётни қандай очиш борасиди савол туғилади.

Нима учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар нақдина шаклидан афзал

Контрагентлар билан ҳисоб-китоб қилишда асосан нақд пулсиз воситалардан фойдаланинг. Бу қонун ҳужжатларида белгиланганидан (ФКнинг 790-моддаси 2-қисми; АВ томонидан 22.06.2015 йилда 2687-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидалар) ташқари, қулай ҳамдир:

- тўлов тез, хавфсиз ва исталган масофадан амалга оширилади;
- нақд пулларга нисбатан уни расмийлаштириш, ташкил этиш ва ҳисобини юритиш бўйича талаблар камроқ.



СЌётни очиш тартиби

Куйидаги ҳолларда ҳисоб-китоб сЌётини очиш мумкин:

1) юридик шахс рўйхатдан ўтказилгандан кейин. Ўзингиз танлаган банкка ташриф буюринг ва у билан банк сЌётига хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузинг. Бунинг учун куйидагиларни тақдим этасиз:

- ариза (унинг намунаси банк томонидан берилди);
- ташкилотингиз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахс паспортининг асл нусхаси. У билан танишиб чиққач, банк ходими нусхалар олади ҳамда аслини сизга қайтариб беради (1948-сон Йўриқноманинг 8-2-банди);

• имзолар намуналари кўйилган 2 дона карточка;

2) давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида. Ташкилотингизнинг таъсисчилари ЎЗР резидентлари бўлса, ҳисоб-китоб сЌётини масофадан туриб очиш мумкин (1948-сон Йўриқноманинг 8-2-банди).

Лекин нима бўлганда ҳам куйидагиларни сиз банкка олиб келиб тақдим этишингиз керак:

- имзолар намуналари кўйилган 2 дона карточка;
- ташкилот номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахс паспортининг асл нусхаси.

Эътибор беринг!

Сиз etkazиб берувчилар билан нақд пулга ҳам ҳисоблашингиз мумкин, лекин бу бир шартнома доирасида 100 ЭКИХдан ошмаслиги керак (19.03.1999 йилдаги 125-сон ВМҚнинг 2-банди). Шу ўринда нақд тўловларнинг хавфсизлиги, уларнинг тўғрилигини таъминлаш, ҳисоб ва солиқ солишида расмийлаштириш нақд пулсиз шаклдагидан мураккаброқдир. Солиқ органлари ҳам уларни синчиклаб текширадилар.

Ҳисоб-китоб сЌётини

Банкда талаб қилиб олинганча депозит сЌётини ёки уни бухгалтерлар атаганидек, ҳисоб-китоб сЌётини очинг.

Ундан куйидагиларда фойдаланасиз:

- etkazиб берувчилар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, жисмоний шахслар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда;

- харидорлардан пул қабул қилиб олишда;
- пулларни сақлашда.

Корхона давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин биринчи мартаба очаётган сЌёт асосий сЌётга айланади.

Асосий сЌётга қўшимча равишда сиз бир неча талаб қилиб олганча иккиламчи сЌётларни очишингиз мумкин. Уларни асосий сЌёт касрда очилганидан қатъи назар, исталган банкда очишингиз мумкин (Йўриқноманинг 18-банди, АВ томонидан 27.04.2009 йилда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Асосий сЌётга қўшимча равишда сиз бир неча талаб қилиб олганча иккиламчи сЌётларни очишингиз мумкин. Уларни асосий сЌёт касрда очилганидан қатъи назар, исталган банкда очишингиз мумкин (Йўриқноманинг 18-банди, АВ томонидан 27.04.2009 йилда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Банк учун маълумотлар

СЌётни очиш учун зарур бўлган ҳужжатлардан ташқари, банклар ташкилотни «лозим даражада текшириш» учун у тўғрисида қўшимча ахборотларни ҳам сўраши мумкин. Жинойи фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида банклар бу фаолиятни амалга оширишга мажбурдир (АВ томонидан 23.05.2017 йилда 2886-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 3-боби).

Банк сиздан куйидагиларни сўрашга ҳақли (2886-сон Қоидаларга 2-шлованинг 1-банди):

- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот: сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи;
- солиқ тўловчининг идентификацион рақами;
- амалга оширилаётган операциялар бўйича пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбалари ҳақидаги маълумотлар;
- лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларини амалга ошириш

учун мавжуд бўлган лицензиялар тўғрисида маълумотлар: фаолият тури, лицензиянинг рақами ва берилган санаси; ким томонидан берилганлиги; амал қилиш муддати;

- раҳбар ва бухгалтерия ҳисоби вазибаларини амалга оширувчи шахс тўғрисидаги маълумотлар (паспортлар ва буйруқлар ёки тайинлов тўғрисидаги баённоманинг нусхалари), шунингдек, таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар;
- бошқа ахборот.

Бундан ташқари, банк ташкилот тўғрисидаги турли хил маълумотларини Интернетда расмий жойлаштирилган очик маълумотлар базасидан олиши мумкин.

Сизнинг барча ҳужжатларингиз улар тақдим этилган санада амалда бўлиши шарт.

Агар банк ташкилотингизни лозим даражада текшира олмаса (сиз барча зарур ахборотни тақдим этмаган бўлсангиз), у сизга сЌёт очишни рад этиши мумкин (1948-сон Йўриқноманинг 8-1-банди).



Банкни танлаш

Ҳисоб-китоб сЌётини очиш учун банкни танлаш экансиз, хизмат кўрсатиш шартларини жиддий ўрганиб чиқинг. Куйидагиларга эътибор қаратинг:

- **тўлов топшириқномаларини ўтказганлик учун тўлов микдорига.** Бу суммани банк сизнинг сЌётингиздан ҳар бир тўлов учун ечиб олади. У тўловлар суммасидан фонизларда ҳисобланиши ёки қатъий белгиланган суммада ифодаланиши мумкин – бу тўлов ҳужжатларининг микдорига боғлиқ. Муайян бир банк ёки унинг филиали доирасида тўловлар имтиёзли тарифлар бўйича ёки бепул амалга оширилади;
- **хизмат кўрсатганлик учун абонентлик тўловига.** Бу банк сизнинг сЌётингиздан банк хизматларини кўрсатганлик учун ҳар ойда ечиб оладиган сумма;
- **операцион куннинг давомийлигига.** У маблағларни тўловчи ва олувчига хизматлар касрда кўрсатилаётгани – бир банкда ёки турли банкларда – шунга боғлиқ. Банклар турлича бўлса, улар ўртасидаги тўловлар ташқи операциялар ҳи-

собрланади. Тўлов бир банкдаги ҳисоб-китоб сЌётлари ўртасида амалга ошириладиган бўлса, бу банк ичидаги операция ҳисобланади. Одатда Ўзбекистон банклари сЌётлар билан ташқи операцияларни соат 16.00 гача ўтказишади. Банк ичидаги тўловлар соат 18.00 гача амалга оширилиши мумкин;

• **барча шаклдаги халқаро ҳисоб-китоблар,** шу жумладан аккредитивлар, инкассо операциялари, кафолатлар беришларни қўллаб-қувватлашга;

• «Банк-мижоз», «Интернет-банкнинг», SMS-хабарчи сингари банк сЌётларини масофадан туриб бошқариш учун қўшимча хизматларга. Ҳар бир банк бундай тизимларнинг ўз вариантини таклиф этади. Улардан фойдаланаётганда операцияларни ўтказишнинг қулайлиги, соддалиги, тезкорлиги ва хавфсизлигига эътиборни қаратинг.

Банкни танлаётганда ўз бизнесингиз хусусиятини ҳам ҳисобга олинг. Банк ўз хизматларини шартнома асосида кўрсатишини ёддан чиқарманг. Банк бошқарувчиси билан хизматлар қийматини олдиндан келишиб олинг.



ВАЗИЯТ. Корхонанинг лицензияси бор. Уни банкка тақдим этиши керакми?

Ҳа, керак.

Фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия сЌёт очилаётганда банк сўраб қолиши мумкин бўлган ҳужжатлар рўйхатига киритилган (2886-сон Қоидаларга 2-шлова).

СЌётни очиш шартли ҳисоблангудек бўлса, банкка албатта лицензиянинг асл нусхасини тақдим этинг. Бошқа барча ҳолларда банк сўровига биноан лицензиянинг нусхасини тақдим этиши мумкин.

Имзо ҳуқуқи

Банк ҳужжатларини, шу жумладан чек дафтarchаларини фақат имзо намуналари банкда мавжуд бўлган шахслар имзолай олади. Банкка ташкилотингиз номидан пул-ҳисоб-

китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсларнинг имзо намуналари келтирилган карточкани тақдим этинг (1948-сон Йўриқноманинг 33-банди).

Бу – муҳим! Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас – бу ҳуқуқ фақат директорга тегишли.

Лекин корхонада бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби бўлими мавжуд бўлмаган тақдирда, имзо намуналари карточкасида биринчи ва иккинчи шахслар ўрнига директор имзо чекади.

Раҳбар ёки бош бухгалтер бўлмаган вақтда (таътил, меҳнат сафари, касаллик ва х.к.) банк операцияларини амалга ошириш учун қуйидагиларга ҳам имзо ҳуқуқини тақдим этинг:

- биринчи – директор ўринбосарига;
- иккинчи – молияга жавоб берувчи раҳбарга, бош бухгалтер ўринбосарига ёки бухгалтериянинг бошқа ходимига.

Бунинг учун буйруқ ёки ишончномани расмийлаштиринг ва нусхаларини банкка тақдим этинг.



Бу – муҳим! Имзо ҳуқуқи ушбу ҳуқуққа эга бўлган шахслар доирасини белгилувчи буйруқ ва ишончнома асосида тақдим этилади. Буйруқда мазкур шахслар имзо чекиш ҳуқуқига эга бўладиган ҳужжатлар турларини белгиллаб олинг. Йирик битимлар бўйича имзо чекиш ҳуқуқига қандай тартиқасида фақат раҳбар эга бўлади. Агар директор йирик суммалар билан бўладиган банк ўтказмаларини шахсан назоратта олмакчи бўлса, биринчи имзони қўйиш ҳуқуқига эга бўлган иккинчи шахс имзо чека оладиган пул маблағларининг лимитини ўрнатинг. Директор ҳозир бўлмаган даврда эса унинг ўрнини босувчи шахс махсус чиқарилган буйруқ ва ишончнома асосида ҳар қандай банк ҳужжатларини имзолай олади.

Банкка 2 нусхада имзолар намуналари қўйилган карточкаларни тақдим этинг, бу банк ходими уларни тўлов ҳужжатларидаги имзолар билан солиштириб кўриши учун керак. Чек, «тўловнома» ёки бошқа ҳужжатлардаги имзолар карточкадаги намунавий имзолар билан мувофиқ келмаган ҳар қандай ҳолларда банк тўлов ҳужжатини қабул қилмайди.

Карточкаларни расмийлаштираётганда директор ва бошқа масъул шахслардан уларнинг паспортларига қўйилганидек имзо чекишни сўранг. Шунда улар бу имзоларини ҳеч муаммосиз тўлов ҳужжатларида намунадаги мувофиқ тақрирлайверадилар.

Имзолар қўйилган карточкалар билан бир вақтда банкка имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этинг.

Имзо ҳуқуқи	Тасдиқловчи ҳужжат
Ташкилот раҳбари	Ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ ёки лавозимга тайинлаш тўғрисида баённома, паспортнинг асл нусхаси
Бошқа ходим	Банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқини бериш тўғрисида буйруқ ёки банк ҳужжатларига имзо қўйишга ишончнома, паспортнинг асл нусхаси
Тадбиркор	Паспортнинг асл нусхаси
Тадбиркорнинг вакили	Банк ҳужжатларига имзо қўйишга ишончнома, паспортнинг асл нусхаси

Имзо қўйиш ҳуқуқини бериш тўғрисида буйруқ ёки ишончноманинг тасдиқланган шакллари мавжуд эмас, шунинг учун уларни мустақил тарзда тузинг. Ишончномада албатта рас-

миёлаштириш санаси ва рақамини кўрсатинг, раҳбарнинг имзоси ва ташкилотнинг мухрини (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) қўйинг (ФКнинг 138-моддаси 1-қисми).

Иккиламчи счёти

Фаолият турлари ёки бошқа ҳудудда жойлашган алоҳида бўлинмалар бўйича алоҳида ҳисоб юритиш мақсадида сиз иккиламчи счётларни очилингиз мумкин.

Бунинг учун банкка ариза беринг. Аризани хоҳ қоғоз шаклида, хоҳ электрон шаклда ёзишингиз мумкин. Унга асосий счётни очётганда илова қилганингиз каби худди ўша ҳужжатларни илова қиласиз.

Алоҳида бўлинмага (филиалга, ваколатхонага) счёти очиш учун бош тузилма счётини очётганда илова қилганингиз каби худди ўша ҳужжатларни тақдим этинг. Қуйидагиларни қўшимча қиласиз:

- ваколатхона ёки филиалга берилган ваколатларни белгилувчи ҳужжат (ваколатхона, филиал тўғрисидаги низоми);
- юридик шахснинг илтимоснома-

си. Унда юридик шахс – солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) ва ташкилот рўйхатдан ўтказилаётганда бериладиган унинг КТУТ кодини кўрсатинг.

Алоҳида бўлинмага ҳисоб-китоб счётини очиш учун унинг раҳбари ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиш керак (1948-сон Йўриқноманинг 14-банди «г» кичик банди). Филиал (ваколатхона) раҳбари бош ташкилотнинг ишончномаси асосида иш қўради. Айнан шу ҳужжат унинг ваколатларини тасдиқлайди (ФКнинг 134-моддаси 2-қисми).

Бундай ишончномада қуйидагиларни кўрсатинг:

- бош ташкилот алоҳида бўлинма раҳбарига бераётган ваколатлар рўйхати (ФКнинг 134-моддаси 2-қисми);
- расмийлаштириш санаси ва раҳбар имзоси (ФКнинг 135-моддаси).

ВАЗИЯТ.

Ташкилот алоҳида балансга ажратилмаган таркибий бўлинмага ҳисоб-китоб счётини очмоқчи. Шундай қилса бўладими?

☑ **Ҳа, бўлади.** Бироқ бўлинмалар ўз СТИРга эга алоҳида юридик шахс бўлмаса, очиладиган счётлар бош ташкилотнинг иккиламчи счётлари бўлади. Уни исталган банкда, шу жумладан асосий ҳисоб-китоб счётига хизмат кўрсатувчи банкда ҳам очиш мумкин. Счётни очиш таомли асосий счёти очилишидаги сингари бўлади.

МИСОЛ. Ташкилот компьютер техникасини олиб келади ва сотади. Унга қарашли, юридик шахслар ва аҳолига техник хизмат кўрсатиши ва таъшикий техникани таъмирлаш билан шугулланадиган бўлим мавжуд. Мазкур бўлимнинг тушуми ва тўловлари ҳисобини алоҳида юритиш учун унга алоҳида иккиламчи ҳисоб-китоб счёти очиш мумкин.

Имзо намуналари қўйилган карточка

Карточка бланкаларини банк ходимидан оласиз. Улар кўк ёки бирнафша рангли шарикли ёки сиёхли ручкалар билан тўлдирилади.

Ташкилотда муҳр мавжуд бўлса, карточкага муҳр изи қўйилади (1948-сон Йўриқноманинг 36-банди; АВ томонидан 11.07.2008 йилда 1834-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 60-банди).

Карточка нотариал тасдиқланмайди. Ташкилот ходимларининг

шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек ташкилотнинг таъсис ва бошқарув ҳужжатлари асосида уларнинг ваколатлари ва имзоларини банк мутахассиси ўзи тасдиқлайди.

Карточкани тўлдиришда факсимиле имзо муҳри қўйилишига йўл қўйилмайди (1948-сон Йўриқноманинг 34-банди).


1948-сон Йўриқноманинг VI бобида уни тўлдириш тартиби келтирилган.

Карточканинг олд томонида қуйидагиларни кўрсатинг:

Карточкадаги сатрлар номи	Кўрсатиладиган маълумотлар
Счёти эгаси	Таъсис ҳужжатларига (алоҳида бўлинма тўғрисидаги низоми) мувофиқ ташкилот ёки алоҳида бўлинманинг тўлик номи
Манзил	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки алоҳида бўлинма тўғрисидаги низомида кўрсатилган счёти эгасининг манзили
Бошқа қайдлар	Биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг паспорт маълумотлари (паспорт рақами, серияси, берилган сана, ким томонидан берилган)
Банк қайдлари	Банк ходимлари томонидан тўлдирилади

Карточканинг орқа томонини қуйидаги тарзда тўлдиринг:

Карточкадаги сатрлар номи	Кўрсатиладиган маълумотлар
Ҳўжалик юритувчи субъект номи	Таъсис ҳужжатларига (алоҳида бўлинма тўғрисидаги низоми) мувофиқ ташкилот (алоҳида бўлинма) номи
Счёти рақами	Ҳисоб-китоб счёти рақами. Счёти очилмаган бўлса, бу сатр тўлдирилмайди. Счёти очилганидан кейин банк ходими томонидан тўлдирилади
Фамилияси, исми-шарифи	Имзо ҳуқуқи берилган шахсларнинг фамилияси, исми-шарифи
Имзо намунаси	Имзо ҳуқуқи берилган шахслар ўз фамилиялари рўпарасига шахсан ўзлари имзо қўядилар. Имзолар банк ходимлари ҳозирлигида қўйилади (2886-сон Йўриқноманинг 45-банди)
Биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқидан вақтинча фойдаланувчи мансабдор шахсларнинг ваколат муддати	Имзо ҳуқуқи берилган муддатни кўрсатинг. Муддат чекланмаган бўлса, сатрни тўлдирмаг
Тўлдирилган сана	Карточка тўлдирилган сана, ой ва йил
Мижоз (счёти эгаси) имзоси	Ташкилот раҳбари шахсан ўзи имзо қўяди. Ҳисоб-китоб счёти ташкилот вакили томонидан ишончнома бўйича очилганда, ишончномага кўра ҳаракат қиладиган шахснинг имзоси қўйилади, шунингдек ишончнома рақами ва санаси кўрсатилади
«Счёти рақами» ва «Берилган пул чеклари» сатрлари	Банк ходимлари томонидан тўлдирилади




РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ» ORMA

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz; web: www.orma.uz



БАНКДА ҲИСОБ-КИТОБ СЇЇТИНИ ОЧАМИЗ

СЇЇТ ОЧИШ МУДДАТЛАРИ

СЇЇТ очиш учун банкка зарур ҳужжатлар тақдим қилинган кундан кейин банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай сЇЇТ очишлари шарт (1948-сон Йўриқноманинг 8-банди).

1-ВАЗИЯТ.

Солиқ инспекциясининг қарорига биноан ташкилотнинг битта сЇЇти бўйича операциялар тўхтатиб қўйилган. Бошқа сЇЇТ очиш мумкинми?
 ✓ Йўқ, мумкин эмас. Марказий банк хатланган ёки тўхтатилган сЇЇТларни (ҳам асосий, ҳам иккиламчи) бошқа банкларга ўтказиш, шунингдек ушбу сЇЇТлар эгаларининг бошқа сЇЇТларни очишини тақиқлайди (1948-сон Йўриқноманинг 46-банди).

Кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада сЇЇТлар очиш учун тўлов ундирилмайди. Бошқа ташкилотлар ЭКИХнинг 0,5 ба-робари, қашлоқ жойларда фаолият юритаётганлари эса ЭКИХнинг 0,1 ба-робари миқдорда ҳақ тўлайдилар (1948-сон Йўриқноманинг 8-банди).

2-ВАЗИЯТ.

Ташкилот ҳисоб-китоб сЇЇти очилиши ҳақида солиқ инспекциясини ха-бардор қилишга мажбурми?

✓ Йўқ, мажбур эмас. Ҳисоб-китоб сЇЇТларининг очилиши ёки ўзгарти-рилиши тўғрисидаги маълумотлар юридик шахслар томонидан солиқ органларига тақдим этиладиган асосий ҳисоб маълумотлари рўйхати-га киритилмаган (Солиқ кодексининг 82, 83-моддалари). Бундай маж-бурият банк зиммасига юкланади, у солиқ органларига сЇЇТлар очил-ганлиги тўғрисида кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт (Солиқ кодексининг 84-моддаси 10-хатбошичи).

Бошқа банкка ўтказиш

Асосий сЇЇТ бошқа банкка ўт-казилганда хизмат кўрсатувчи банкдаги сЇЇТ ёпилади ва бошқа банкка очи-лади. Бунда аввалги асосий сЇЇТ би-лан боғлиқ бўлган, корпоратив кар-точкалар, иш ҳақи лойиҳаси ва ҳ.к.

бўйича очилган барча транзит сЇЇТ-лар ёпилиши лозим.

Бошқа банкка ўтиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ариза топширинг. Банк сЇЇТдаги пул маблағлари қолд-ғи тўғрисида ёзма тасдиқнома бера-

ди. Бу тасдиқномани сЇЇТ очилиши-га берилган ариза билан бирга янги банкка топширинг. У:

- пул маблағлари қолдигини ўт-казиш учун вақтинча сЇЇТ оцади;
- бу ҳақда сизни ва сЇЇТ ёпилади-ган банкни хабардор қилади.

Вақтинча очилган сЇЇТга ёпилади-ган сЇЇТдаги пул маблағлари қолдиги ўтказилади. Сизга тегишли юридик иш ҳужжатлари ва 2-сонли картоте-ка бўйича тўлов ҳужжатлари, агар улар мавжуд бўлса, янги банкка бе-рилади.

Бу – муҳим! Банкни ўзгартириш чоғида аввалги хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий сЇЇТ билан боғлиқ транзит сЇЇТларинингизда пул маб-лағлари қолдиги бўлмаслиги керак, акс холда банк уларни ёпа олмай-ди. Уларни олдиндан асосий сЇЇТга ўтказинг ва транзит сЇЇТларда маб-лағ қолдирманг.

Маблағлар янги банкда вақтинча очилган сЇЇТга ўтказилгандан кейин хизматлар кўрсатувчи банкда сЇЇТлар ёпилади. Янги банк сизга асосий сЇЇТ оцади, вақтинча очилган сЇЇТдан пул маблағлари қолдигини ўт-кази ва бу сЇЇТни ёпади.

Янги асосий сЇЇТ аввалги сЇЇТ ёпилган кундан кейинги кундан иш-лай бошлайди. СЇЇТ ёпилган банк ҳисоб тўлов ҳужжатларини олган-да, уларни рўйхатдан ўткази ва қуйидаги мазмундаги хабар билан жўнатувчига қайта юборади: «СЇЇТ ёпилди. _____ банкнинг _____ филиалига муурожаат қилинг».

Бошқа банкка ўтиш учун жид-дий тайёргарлик кўриш лозим.

Бизнес-ҳамкорлар сони кўп бўл-ганда тушумлар ва тўловлар ушла-ниб қолмаслиги учун:

- уларни асосий сЇЇТ вақтинча-лик тўхтатилганлиги ҳақида хаба-рдор қилинг;
- маблағ олиш ёки муддатли тў-ловларни олиш учун вақтинча икки-ламчи сЇЇТдан фойдаланинг.

Асосий сЇЇТ жойи ўзгартирилганда бирйўла иш ҳақи лойиҳаси ҳам ўт-казилади. Иш ҳақи лойиҳаси – ходим-ларнинг пластик карталарига банк то-монидан пул (иш ҳақи) ўтказилиши доирасида кўрсатиладиган банк хиз-мати. Шу сабабли иш ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятларни бузмаслик учун у тўланадиган муддатлар ўзга-ришини ҳисобга олинг.

«Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

✓ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЯНГИЛАНИШ ЭПКИНЛАРИ ОЛИС ҚОРАҚАЛПОҚДА

«Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, бугун ях-ши яшаши керак, одамлар ислохотлар натижасини бу-гун ўз ҳаётида кўриши керак», деган ғоя Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган қўламдор ислохот-ларнинг мазмун-моҳиятига айланган. Шу маънода Қо-рақалпоғистон ҳам тараққиётнинг янги босқичига қа-дам қўйганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Бугун Қорақалпоғистон Республикаси божхона бош-кармаси тасарруфида 3 та ташки иктисодий фаолият пости, 5 та чегара-божхона пости фаолият кўрсатмоқда. Кўнғирот туманида фаолият кўрсатувчи «Доут-ота» че-гара-божхона пости Нукус шаҳридан 445 км узоқликда жойлашган. Қўшни давлат-лар билан савдо-иктисодий муносабатлар тобора ривож-ланиб бораётганлиги нати-жасида мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси ҳисоб-ланувчи ушбу пост орқали ҳаракатланаётган фуқаролар ҳамда автотранспорт воситалари сони тобора ортиб бор-моқда. Масалан, 2016 йилда пост орқали жами 656 267 нафар фуқаролар ҳаракат-ланган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 982 061 нафар-

ни (ўсиш 49,6 фоиз) таш-кил этди.

Шунингдек, 2016 йилда пост орқали жами 59 921 та юк ва енгил автотранспорт воситалари ҳаракатланган бўлса, 2018 йилда бу кўр-саткич 104 856 тани (ўсиш 74,9 фоиз) ташкил этган.

«Доут-ота» чегара божхо-на постида «Rapiscan Eagle S60» русумли муқим ин-спекцион-кўрик мажмуаси ўр-натилган бўлиб, мазкур за-монавий сканер қурилмаси юртимиз сарҳадлари орқали ўтаётган катта ҳажмда-ги транспорт воситаларини бир неча сония ичида тўлиқ сканердан ўтказилади.

Қорақалпоғистонда сайёҳ-лик тармоғи ҳам йилдан-йил-га ривожланиб, республика туристларга манзур бўла-диган манзилларни тақлиф

этиб келмоқда. Хусусан, уш-бу кўҳна замин ҳудудида қа-рор топган қадимий обида-лар, гуяларда сайр қилиш, ўтовда тунаш, Орол денгизи ҳамда И.В.Савицкий номи-даги Қорақалпоғистон дав-лат санъат музейига ташриф буюриш сайёҳларни сўзсиз хушуд этади.

«Қорақалпоғистон» те-мир йўл чегара-божхона пости ходимлари ҳам мам-лакатимиз иктисодий хавф-сизлигини таъминлаш йў-лида садоқат билан хизмат қилиб келишмоқда.

Мазкур божхона постида ҳафта давомида жами 28 та йўловчи поезди «Нукус–Бей-неу», «Тошкент–Волгоград», «Тошкент–Саратов» ва тес-кари йўналишларда ҳаракат-ланади. Транзит йўналишида эса «Хўжанд–Москва», «Ду-шанбе–Москва», «Кўлоб–Москва» ва тескари йўна-лишларда поездлар катнови йўлга қўйилган. Божхоначи-лар ҳафта давомида ушбу йўналишли поездлар орқали ҳаракатланаётган 14 минг нафарга яқин фуқарони бел-



гиланган тартибда божхона назоратидан ўтказишади.

Бундан ташқари, ҳафта да-вомида ўртача 25 та темир йўл юк составлари божхона чега-раси орқали ҳаракатланади. Ушбу юк составларидаги жа-ми 1 500 та юк вағони постда «Rapiscan Eagle R60» русумли мажмуаси ёрдамида божхона назоратидан ўтказилади.

2019 йилнинг ўтган беш ойи давомида божхона пости орқали ҳаракатланган жами 260 387 нафар фуқаро белги-ланган тартибда божхона на-зоратидан ўтказилди. Пост хо-димлари томонидан шу давр мобайнида жами 347 та ко-нунбузарлик ҳолати аниқла-ниб, умумий қиймати қарийб 650 млн сўмлик ноқонуний олиб ўтилаётган товар-мод-дий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Президентимизнинг бож-хона органлари ходимларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани ҳам Қора-қалпоғистон божхоначилари ҳаётида ўз аксини топмок-да. Хусусан, пост ходимлари учун Кўнғирот туманида 2 та икки қаватли 16 хонадондан иборат хизмат уйларини ку-риш ишлари жадаллик билан бошлаб юборилган.

Юртимизда амалга ошири-лаётган ислохотлар натижаси-ни бугун ўз ҳаётида кўраётган божхоначилар келажакка ёр-қин ишонч билан қараб, мам-лакатимиз тараққиёти йўли-да тун-кун хизматни давом эттиришмоқда.

Нурбек САЛОМОВ,
ДБҚ Матбуот хизмати.
Тошкент–Кўнғирот–
Тошкент.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

2019 ЙИЛ
АВГУСТ

Д	С	Ч	П	Ш	Ж	Я
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	



5 АВГУСТ

2019 йилнинг июль ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фойзалар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олинган фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 165-модда, 4-қисм, 1-банд)

2019 йилнинг июль ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 188-модда, 1-қисм)

9 АВГУСТ

ер солиғини йиллик сумманинг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни¹

(Солиқ кодекси, 286-модда, 1-қисм)

2019 йилнинг II чораги учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарувчи бошқа органлар томонидан молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги низомнинг 1-банди)

10 АВГУСТ⁶

2019 йилнинг август ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни²

(Солиқ кодекси, 164-модда, 3 ва 4-қисмлар)

2019 йилнинг июль ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни


(Солиқ кодекси, 239-модда; 240-модда, 1-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни³

(Солиқ кодекси, 271-модда, 5-қисм)

2019 йилнинг июль ойи учун бозорлар ва устав фондида (устав капиталда) давлат улуши камида 51%ни ташкил этган савдо мажмуалари олган даромадлари ва бюджетга маблағлар ўтказгани тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 387-модда, 5, 6 ва 7-қисмлар)



«NORMA DAVRIY NASHRLARI» МҶЗ 2020 йил учун обуна кампаниясини бошлаб, муштарийларга «Солиқ ва божхона хабарлари», «Норма маслахатчи», «Налоговые и таможенные вести», «Норма» газеталарига **ОФИСДАН ЧИҚМАСДАН ОБУНАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.**

Ишончли маслахатчингиз бўлиш газеталарингизни мунтазам равишда олиб туришингиз учун биз сизга мазкур сонда чоп этилаётган оммавий офертамиздан фойдаланган ҳолда 2020 йилга обуна расмийлаштиришни таклиф этамиз.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA DAVRIY NASHRLARI» МҶЗ, бундан кейин Тахририят деб юрutiлади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика миnгакаларида жойлашган (истикомат қилмаган), куйида таклиф қилинаётган шартларни тўлашга (ўзи танлаган наشريларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишни билдирадиган шахс (бундан кейин - *Обуначи*) билан мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2020 йилга обуна шартномасини (бундан кейин - *Шартнома*) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўриларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажрасмас қисми ҳисобланган буюртманома-акцептини (*бундан кейин - Акцепт*) жўнаштириши бўлиши билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обуна бўлишга розилиги хақида Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устуналари тўлиқ, қисқартришларсиз, аниқ-равшан, босма харфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (371) 200-00-30 факси орқали жўнатилиши ёки Тахририятга Тошкент ш., Навоий кўчаси, 32-уй манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

3. Тахририят 2020 йил учун Акцептда кўрсатилган наشريларга (Обуначининг танловига кўра) обуна қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептга олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга кирадиган ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обуна қиймати 2019 йил 31 августдан кечикмасдан шартларига мувофиқ 2019 йил 31 августдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обуна қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга бинван белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдирган тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлиmlари орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ кайд этилган наشريларни навабгадан сон чиқили билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Наشريлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб беришмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта хизматига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан наشريлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган

10. Тахририятнинг 2019 йил 31 августга қадар қилинган барча қарздорлик ва қарздорлик бўлиmlари билан ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга бинван белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақни юз фоиз (100%) олдирган тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

11. Тахририятнинг 2019 йил 31 августдан кечикмасдан шартларига мувофиқ 2019 йил 31 августдан кечикмасдан тўлаши шарт.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

11-бетда **24 АВГУСТ**⁶

25 АВГУСТ⁶

2019 йилнинг июль ойи учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 187-модда, 2-банд; 310-модда, 3-қисм)

2019 йилнинг июль ойи учун мазкур муддат учун тўланмаган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 188-модда, 1-қисм)

2019 йилнинг июль ойи учун ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 225-модда, 1-қисм; 226-модда, 1-қисм; 226-5-модда, 1 ва 3-қисмлар)

2019 йилнинг июль ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 247-модда, 4-қисм)

2019 йилнинг август ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни⁴

(Солиқ кодекси, 264-модда, 3-қисм)

2019 йилнинг июль ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 310-модда, 3 ва 4-қисмлар)

2019 йилнинг июль ойи учун товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 347-модда, 3-қисм)

2019 йилнинг июль ойи учун ягона солиқ тўловини тўлашнинг сўнгги куни

(Солиқ кодекси, 360-модда, 5-қисм)

2019 йилнинг июль ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 3.11.2016 йилда 2836-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлаш шартини ҳамда таъхиротлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомининг 17-банди)

2019 йилнинг июль ойи учун табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(АВ томонидан 24.02.2009 йилда 1909-сон билан рўйхатдан ўтказилган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомининг 12, 13-бандлари)

¹Ер солиғини чоракнинг биринчи ойи 10-санасига қадар тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно, шунингдек ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғини тўлаш куйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрга қадар – йиллик солиқ суммасининг 30%; ҳисобот йилининг 1 декабрга қадар – солиқнинг қолган суммаси.

²Ҳисобот давридаги тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдаси ЭКИҲнинг 200 бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари.

³Мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни ҳар чоракнинг учинчи ойи 25-кунидан кечикмай тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

⁴Солиқ давридаги солиқ суммаси ЭКИҲнинг 200 бараваридан кам бўлган юридик шахслар бундан мустасно.

⁵Ҳар чоракда ҳисоб-китобни тақдим этадиган ва солиқни тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

⁶Муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

! Солиқ тўловчининг тақвими – «Norma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Norma» МЧЖ билан тузилган **шартнома асосидагина** йўл қўйилади.

«NORMA DAUVRIY NASHRLARI» МЧЖ оммавий офертасига
БУЎРТМАНОМА-АКЦЕПТ
 2019 йил «___» _____
 АССИДА АМАЛ ҚИЛУВЧИ
 ТИМОСОЛДА,
 (Буғриччи ёлғолига юлғолига, Ф.И.Ш. (буғрич), улга, лавошчи)
 (қўрсатилган маълумотларга, улга, манзил ва б. шартлар билан)

«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2019 йил 9 июлдаги 28 (1300)-сонда эълон қилинган оммавий офорта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилишни тўғрисида маълум қилади ҳамда 2020 йил учун кўлидаги нашриларга обуна бўлади.

Индекс	Нашрнинг номи	2020 йил учун обуна нархи (сўм)	Бўртма нархи (сўм)	Учрашув суммаси (сўм)
186	«Солиқ ва божхона хабарлари» ва «Norma маълумотлари» газеталари (йилга 52 сон)	1 115 400		
184	«Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси (йилга 52 сон)	781 560		
197	«Norma маълумотлари» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	558 480		
172	«Найтовчи ва талоқчи» газетаси ва «Norma» газеталари (йилга 52 сон)	1 115 400		
165	«Найтовчи ва талоқчи» газетаси (йилга 52 сон)	781 560		
173	«Norma» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилга 52 сон)	558 480		

2. Тўлаш учун умумий сумма _____ сўминг ташиқил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (бошқа хабарлар билан аниқ қилиб тўғрилади): _____

Почта индекси:

Минтақа /Вилоят _____, шаҳар/туман, _____

(Ишловчи, ҳўжалик, таълим, сўм, дин, манзил, уй, кв., тили)

Мўлжал
 4. Бўртма нархи учун телефон: _____
 5. Аюга боғловчи шахс: _____ (ф.и.ш.)

ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:

СТИР _____
 ИФУТ _____
 ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: _____
 Почта манзили _____
 Телефон _____
 Факс _____
 Х/р _____
 Хизмат кўрсатувчи банк _____
 Банк коди _____
 _____ (ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)
 М.У.

? Мавзули экспресс-ўрганишлар чоғида Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилди?

ТЕКШИРУВНИНГ ТЕКШИРУВДАН ФАРҚИ БОР

– Йўқ тўлдирилмайди, чунки мавзули экспресс-ўрганиш солиқ текшируви ҳисобланмайди.

Солиқ органининг мансабдор шахси текширувлар ўтказилганда Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириши лозим (Солиқ кодексининг 92-моддаси; АВ томонидан 7.11.2011 йилда 2280-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом).

Солиқ текширувлари ва мавзули экспресс-ўрганишлар солиқ назоратининг турли шакллари ҳисобланади (Солиқ кодексининг 67-моддаси). Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилиши фақат солиқ текширувларида назарда тутилган, қолган солиқ назорати шаклларида у тўлдирилмайди.

ЎТГАН ЙИЛГИ БОҚИМОНДА: НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

? Корея фуқароси шу давлатга қарашли компаниянинг доимий муассасасида менежер бўлиб ишлайди. У - ЎзР резидентиди. Унга Кореяда иш ҳақи ҳисобланади ва бу ҳақда хабар эълон қилилади. ДМ бухгалтери ЖШДС ва ЯИТни ушлаб қолади ва ЎзР бюджетига ўтказилади. Ходим 2018 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасида яшаиш гувоҳномасини олди, лекин бунини 2019 йил февралда маълум қилди.

1. ДМ бухгалтери ходимга яшаиш гувоҳномаси берилгани ҳақида кечикиб хабар топганда, қандай тузатишлар киритиши лозим?

2. Чет эл фуқаросининг иш ҳақидан суғурта бадаллари кечикиб ҳисобланса ва тўланса, иш берувчиларда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

1 2018 йилда ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан фуқароларнинг суғурта бадаллари ушлаб қолинар эди. 2019 йилда ушбу бадаллар бекор қилинди. Демак, 2018 йилги ушланмалар ҳақида сўз борапти.

2018 йилда амал қилган Солиқ кодексининг 305-моддаси таҳририда ЎзРда доимий истикомат қиладиган чет эл фуқаролари суғурта бадаллари тўловчилари ҳисобланиши қайд этилган.

Чет эл фуқаросига доимий яшовчи мақоми (яшаиш гувоҳномаси) берилгани ҳақида хабар топганда, ДМ бухгалтерини 2018 йил ноябрь ва декабрь ойлари учун суғурта бадалларини ҳисоблаши, 2018 йилнинг IV чораги учун ЯИТ ва суғурта бадаллари бўйича ҳисоботни қайта ҳисоблаб топшириши ва боқимондани (ва пеняни) бюджетга тўлаши лозим.

2 2019 йил 1 январдан бошлаб мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов кунини ҳам шунга қараб, 0,045% миқдорда пеня тўланади. Бунда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг миқдордаги қарз суммасига пеня ҳисобланмайди (Солиқ кодексининг 120-моддаси).

Солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (МЖТКнинг 175-моддаси). Бироқ МЖТКнинг 175-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган мансабдор шахслар йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни ихтиёрий равишда бартараф этган тақдирда, иш юритувга қабул қилинмайди (МЖТК 271-моддаси 11-банди).

МАҲСУЛОТ ТАҚСИМОТИ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР – «ҚҚСсиз»

? 2019 йил 1 январдан бошлаб корхона соддалаштирилган ҚҚСни тўлаётти. Корхона ва «Лукойл Ўзбекистон Оперейтинг Компани» МЧЖ ўртасида ускуналарга техник хизмат кўрсатиши шартномаси тузилди. Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга (МТБ) кўра МЧЖ оператор ҳисобланади ва Солиқ кодексининг 46-бобига мувофиқ солиқларни тўлайди.

Юридик шахслар - ЎзР резидентлари томонидан инвесторлар ва (ёки) МТБга кўра ишларни бажаришида иштирок этадиган операторларга тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ноль даражаси ставка бўйича ҚҚС солинади (Солиқ кодексининг 256-моддаси 2-қисми 4-банди).

Солиқ кодексининг 40-1-бобига мувофиқ ушбу Кодекснинг 38-бобида назарда тутилган ноль даражаси ставка бўйича солиқ солинадиган оборот соддалаштирилган ҚҚС доирасида солиқ солинмайдиган оборот ҳисобланади (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси). Солиқ кодексининг 226-3-моддасида ушбу Кодекснинг 256-моддасига ҳавола берилмаган.

Корхона томонидан МТБ операторига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада қайси ставка кўрсатилиши керак: «ҚҚСсиз», ҚҚС – 0% ёки соддалаштирилган ҚҚС – 7%ми (хизматларга)?

– Тўғри, ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида солиқ тўловчилар учун Солиқ кодексининг 38-бобида назарда тутилган, ноль даражаси ставка бўйича солиқ солинадиган оборот ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби доирасида солиқ солинмайдиган оборот ҳисобланади (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси 1-қисми 1-банди).

Соддалаштирилган ҚҚС тўловчилар ноль даражаси ставкани қўлламайдилар, сабаби улар кирувчи ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар (Солиқ кодексининг 226-3-моддаси 5-қисми).

МТБ бўйича оператор учун хизматларни етказиб берувчи Солиқ кодексининг 256-моддасида кўрсатилган қоидаларни ҳисобга олиши лозим. Солиқ кодексининг 256-моддаси бўйича имтиёзлар нафақат хизматларни етказиб берувчиларга, балки МТБ бўйича операторларга ҳам берилган. Яъни сиз хизмат кўрсатаётган оператор хизматларни ҚҚС суммасига оширилмаган ҳолда олиши керак.

Соддалаштирилган ҚҚС тўловчи учун ҳисобварақ-фактурада ҚҚСни 0% ёки «ҚҚСсиз» кўрсатилишининг умуман фарқи йўқ, чунки у ҚҚСни ҳисобга олиши мумкин эмас.

Гарчанд Солиқ кодексининг 40-1-бобида бу ҳолатга аниқлик киритилмаган бўлса-да, соддалаштирилган ҚҚС тўловчи МТБ бўйича ишларни бажаришида иштирок этаётган операторга хизматларни тақдим этишда ҳисобварақ-фактурада «ҚҚСсиз» деб кўрсатиши лозим. Бунда операторга МТБ бўйича хизматлар кўрсатилганлигига ишонч ҳосил қилишигиз керак. Бу шартномада акс эттирилади.

АДВОКАТНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ: МУДДАТЛАР ВА ЖАВОБГАРЛИК

? 1. ННТ – адвокатлик фирмаси молиявий ҳисоботни ҳар чоракда топшириши лозимми?
2. I чорак учун молиявий ҳисобот топширилмаган бўлса, вазиятни қандай тўғрилади мумкин, бунинг учун қандай маъмурий жазо чоралари назарда тутилган?

1 Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини эслатиб ўтамиз (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом):

1) вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкани бошқарувчи бошқа органлар умумлаштирилган чораклик ва йиллик ҳисоботларни куйидаги муддатларда тақдим этади:

- чораклик ҳисоботларни – ҳисобот чораги тугагандан сўнг 40 кун мобайнида;

- йиллик ҳисоботларни – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай;

2) хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари чораклик ҳисоботларни тақдим этмайди, фақат йиллик молиявий ҳисоботларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай;

3) юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотлари йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартидан кечиктирмай;

4) қолган хўжалик юритувчи субъектлар (кичик субъектлардан ташқари):

- чораклик молиявий ҳисоботларни – ҳисобот даври тугагандан кейинги ойнинг 25-кунига қадар;

- йиллик молиявий ҳисоботларни – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай;

5) кичик корхоналар ва микрофирмалар фақат йиллик молиявий ҳисоботни – ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралдан кечиктирмай.

Адвокатлик тузилмаси санаб ўтилган гуруҳларнинг қайси бирига қиради? Ходимларнинг сони кам бўлишига қарамай, у кичик корхона эмас. Кичик тадбиркорлик субъектларига қирадиган ташкилотлар таснифлагичда (ВМнинг 24.08.2016 йилдаги 275-сон қарорига 1-илова) адвокатлик хизматлари назарда тутилмаган, чунки улар тижорат ташкилотини туза олмайди, фақат ННТ бўлиши мумкин. Демак, адвокатлик фирмаси молиявий ҳисоботни ҳар чоракда тақдим этади (4-гуруҳ).

2 Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юришти тартибини бузиш мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (МЖТКнинг 175-1-моддаси). МЖТКнинг 175-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий суллар томонидан кўриб чиқилади (МЖТКнинг 245-моддаси). МЖТКнинг 175-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган мансабдор шахслар йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни ихтиёрий равишда бартараф этган тақдирда, иш юритувга қабул қилинмайди (МЖТК 271-моддаси 11-банди).

Шу тариқа, молиявий ҳисоботни биринчи марта кечикиб топшираётган бўлсангиз, жарима солинмайди.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

МИНГ ЭШИТГАНДАН, БИР КЎРГАН АФЗАЛ

1-бетада расмийлаштирилган бўлса, шуларнинг деярли 12 фоизи «яшил» йўлак орқали, 49 фоизи содалаштирилган тартибда «сарик» йўлак орқали ҳаракатланган.

Божхона пости ходимлари томонидан ТИФ иштирокчиларининг четдан келтирилган товарлари учун 768 млрд сўм миқдориди божхона имтиёзлари қўлланилди, давлат бюджетига эса 730 млрд сўмлик божхона тўловлари ундирилди. Тадбиркорларимизнинг ишлаб чиқарган салкам 54,3 млн долларлик махсулотлари хорижга экспорт қилинди.

Маълумки, «Сергели» ТИФ божхона пости икки ой муқаддам «UzTex Tashkent» МЧЖ кўшма корхонаси худудиди янги бинода ўз фаолиятини бошлади. Илгари шаҳарнинг чекка худудиди жойлашган пост энди марказга кўчди. Бу ерда божхона пости ходимлари темир йўл ва юк автотранспортда экспортга чиқиб кетаётган ҳамда кириб келаётган товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштирувни амалга оширади.

Маъмурий бинода нафақат божхона пости, балки тадбиркорлар бепул асосда божхона юк декларацияларини тўлдиршига хизмат қилаётган «фронт-офис»лар ҳамда турли сертификатлаштириш органлари фаолияти учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Айни шу худудда умумий майдон 12,3 минг метр квадратга тенг, тўлиқ инфратузилмага эга божхона омборлари ҳам мавжуд бўлиб, омборлар божхона назорати талабларига жавоб берувчи кузатув камералари билан жиҳозланди. Масалан, «Сергели» ТИФ божхона постида жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 15,9 мингдан ортиқ божхона юк декларациялари расмийлаштирилган бўлса, шуларнинг салкам 20 фоизи «яшил» йўлак,

53 фоиздан ортиғи эса «сарик» йўлак орқали ҳаракатланган. Ўтган давр мобайнида пост ходимлари давлат бюджетига 547,7 млрд сўмлик божхона тўловлари ундирган.

Журналистларнинг «National Products» корхонаси фаолияти билан танишуви ҳам қизиқарли кечди. Корхона Олмазор туманидаги Тошкент ўйинчоклари фабрикаси негизда «NBU Investment» МЧЖ томонидан ташаббускор-инвесторлар билан биргаликда амалга оширилаётган бешта лойиҳанинг бири ҳисобланади. Корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 7 млн АҚШ доллари қийматидаги хорижий инвестициялар ҳисобига четдан технологиялар келтирилди.

Асосан турли хил болалар ўйинчокларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонада 50 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилади. Келгусида бу ердаги иш ўринлари 150 тага етиши кўзда тутилган.

Шу вақтга қадар болалар ўйинчоклари асосан четдан келтирилгани ва ички бозорда бу каби товарларга талаб-эҳтиёж ҳамisha юқори бўлишини инобатга олганда корхонанинг истиқболга умид боғлаш мумкин.

«UZTEX» корхоналар гуруҳига кирувчи «UzTex Tashkent» МЧЖ билан танишув ҳам таассуротларга бой бўлди. Республикамиздаги тўқимачилик махсулотларини ишлаб чиқариши ва хорижга экспорт қилиши билан донг таратган. Гуруҳга кирувчи 10 та корхонада бугунги кунда 10 минг нафардан ортиқ юртдошларимиз иш билан таъминланган бўлиб, ишлаб чиқарилаётган махсулотлар дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилиб келинмоқда.



этилган. Мамлакатимизда туризми ривожлантириш мақсадида сайёҳлар учун ҳам алоҳида йўлақлар барпо этилган. Бир сўз билан айтганда, бу ерда эндиликда **бир кунда 40 минг нафар фуқаронинг ҳаракатланиши учун имкониятлар юзага келди.**

Тошкент вилоятининг юксак иқтисодий салоҳиятидан дарак берувчи яна бир далил – вилоятда ташки савдо айланмаси тобора ортиб, унинг умумий қиймати 1,6 млрд АҚШ долларидан ортди. Хўш, бу жараёнда ТИФ иштирокчиларига қандай шарт-шароитлар яратилган?

Айни саволга жавоб излаш мақсадида журналистлар «Чирчиқ» ТИФ божхона постида бўлишди. Ўтган давр мобайнида пост ходимлари томонидан давлат бюджетига 201 млрд сўмлик божхона тўловлари ундирилган. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 4,6 мингдан ортиқ божхона юк декларацияси расмийлаштирилган бўлса, шундан 28,2 фоизи «яшил» йўлак, 50,4 фоизи эса «сарик» йўлақлар орқали ўтган. Четга экспорт қилинган товарлар учун расмийлаштирилган экспорт божхона юк декларациялари сони 2,5 мингдан ортди. Натижада 88 млн АҚШ долларида ортиқ қийматидаги товарлар хорижга экспорт қилинди. Вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишда ТИФ иштирокчиларига четдан келтирилган асбоб-ускуна, технологиялар ва хом ашёлар учун биргина мазкур

постнинг ўзида божхона тўловларидан салкам 77 млрд сўмлик божхона имтиёзлари қўлланилган.

Журналистлар эътиборини қозонган яна бир объект – бу Чирчиқ шаҳридаги «Compact textiles yarn» хорижий корхонаси бўлди. Корхона 2017 йилдан бошлаб фаолият юритади. Чирчиқ шаҳрида экспортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган ушбу корхонада 300 нафардан ортиқ ишчи-ҳодимлар фаолият қилмоқда.

Бу ерда пахта хом ашёсидан беш турдаги ип калаваларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шу боисдан келгусида корхонани кенгайтириш мақсадида яна қўшимча иш ўринлари очилишига ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирга қадар корхонага 16 млн АҚШ доллари қийматидаги хорижий инвестициялар ҳисобига Швейцариядан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилган.

Жорий йил бошидан буён бу ерда ишлаб чиқарилган 3,5 млн АҚШ долларлик сифатли ип калавалар Россия, Туркия ва Хитойга экспорт қилинди.

2010 йилда ташкил топган «Lukbo Tekstil» корхонасида бугунда тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади ва 1 000 дан ортиқ иш ўринлари яратилган. Жорий йил бошидан буён бу ерда ишлаб чиқарилган қиймати 4,5 млн АҚШ долларида ортиқ тайёр махсулотлар асосан Европа бозорларига экспорт қилинди.

Пресс-тур доирасида журналистлар «Тошкент-АЭРО» ИБКнинг «Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти» чегара-божхона постида, «Авианоқлар» ТИФ божхона пости ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида бўлишди. Маълумки, 2018 йил январь ойдан халқаро аэропортларда «қизил» ва «яшил» йўлақлар ишга тушди. Божхона кўригидан ўтиш жараёнини хорижий стандартларга мувофиқлаштириш ва содалаштиришга хизмат қилаётган ушбу тизим жорий этилган вақтдан бошлаб шу кунга қадар 4,5 млн дан ортиқ йўловчи божхона назоратидан ўтган. Шундан ўртача 96 фоизи «яшил» йўлак орқали, 4 фоизи «қизил» йўлак орқали ҳаракатланган. Постларга ўрнатилган замонавий техник кўрик

қурилмалари ҳам нафақат қонунбузарликни аниқлашда, балки фуқаролар ва тадбиркорларнинг вақтини тежашда қўл келаётди.

2019 йил март ойдан «Авианоқлар» ТИФ божхона постида «Хавфни бошқариш тизими» тўлиқ жорий этилган. Ушбу тизим товарларни «қизил», «сарик», «яшил» ва «кўк» йўлақларга хавф профиллари асосида тақсимлаб, божхона расмийлаштирувни осонлаштирди ва ТИФ иштирокчиларининг божхона расмийлаштируви жараёнига сарфлайдиган вақтини тежади. Тизим ишга туширилган вақтдан бошлаб божхона расмийлаштируви учун сарфланган вақт қисқариб, ҳозирда у ўртача 1 соат 47 дақиқани ташкил этмоқда.

ДБК Ахборот хизмати.

– Шу вақтга қадар журналистлар учун кичик гуруҳларда пресс-турлар уюштирилмаган, – дейди радио журналист Дилором Каримова. – Пресс-турларда журналистлар сони кўп бўлгани сабабли ташкилотчилардан барча саволларга жавоб олишининг имкони бўлмас эди. Натижада берилган умумий маълумотлар ва пресс-релизлар билан қиёёяланишга мажбур бўлар эдик, мавзунинг ичига кириб бориши, ҳар бир детални пухта ўрганиши имкони бўлмади. Аммо кичик пресс-турларда ташкилотчилар ҳар бир журналист билан индивидуал тарзда ишлаш олишди. Эътиборлиси шундаки, ҳеч бир савол жавобсиз қолмади. Бу эса, табиийки, биз томонимиздан тайёрланган материалларнинг янада батафсил ва таъсирчан бўлишига хизмат қилади.


Маълумки, Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди. Вилоятнинг географик жойлашувидан келиб чиқилса, бу худудда ташки иқтисодий фаолият ва инвестицион муҳит ривожиди божхонанинг роли ҳам тобора ошиб бораётганини кузатиш мумкин.

Журналистлар дастлаб «Ғишткўприк» чегара-божхона постида бўлишди. 2016 йилда мазкур пост орқали ҳаракатланган фуқаролар 5,2 млн нафарни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 10,2 млн нафарга етди.

2019 йилнинг ўтган даври мобайнида эса 3 млн нафар жисмоний шахс шу постда ҳаракатланган.

Табиийки, чегара-божхона постлари орқали ҳаракатланаётган йўловчилар оқимининг ортиши бу ерда мавжуд инфратузилма ва шароитларни янада яхшилаш ва кенгайтиришни тақозо этади. Айни шу заруратдан келиб чиқиб, «Ғишткўприк» постида яқинда янги бино фойдаланишга топширилди.

Бу ерда фуқароларнинг чегара ва божхона назоратидан ўтишлари учун барча шароитлар яратилган, хусусан, имконияти чекланган фуқаролар учун алоҳида йўлақлар ташкил


 КОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

ХУЖЖАТЛАР СОЛИШТИРИЛГАНДА...

ДБК Контрабанда ва божхона қонунбузилиши ҳолатларига қарши қаршиш бошқармаси ходимлари божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаб, юртимизга ноқонуний йўллар билан товар-моддий бойликларни олиб киришга уринган «тадбиркорлар»ни аниқлашди.

Мамлакатимиздаги МЧЖлардан бирининг номига хориждан келтирилган контейнерлар Фарғона вилояти «Кўқон» ТИФ божхона постида белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилганда уларда ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча ва бошқа ном билан кўрсатилган умумий қиймати 3 млрд 59 млн сўмлик қарийб 306 минг метр мато борлиги аниқланди. Уддабуронлар матоларнинг ТИФ ТН кодларини нотўғри кўрсатиб, божхона тўловларини четлаб ўтишга уринишган.

Яна бир ҳолатда ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқча 771,2 млн сўмлик контрафакт матолар хориждан пойтахтимиздаги МЧЖлардан бирининг номига келтирилганлиги Янгийўл ТИФ божхона постида маълум бўлди.



«DAF»даги КОНТРАФАКТ ДАФ ҚИЛИНДИ

Хоразм вилояти божхона бошқармаси «Дўстлик» чегара божхона пости ходимлари қўшни давлатдан кириб келган Ш.М. бошқарувидаги «DAF» русумли юк автотранспорт воситасини божхона кўригидан ўтказишганда унинг тиркамаси тагига қўлбола усулда ўрнатилган қўшимча бақда салкам 3 млн сўмлик 600 литр дизель ёқилғиси борлиги маълум бўлди.




«Шовот» чегара божхона постида яна бир шоввоз Я.Н. «MAN» автотранспорти кабинасининг ўнг ва чап томонидаги захира қутиларида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 50 кг мотор мойини олиб ўтгаётганда тўхтатиб қолинди.

Бухоро вилояти «Олот» чегара божхона пости орқали ўтмоқчи бўлган уддабурон эса ё ўта содда ёхуд ўта тавақалчи бўлиб чиқди: у ўзи

бошқараётган автомашинага божхона декларациясида кўрсатилмаган ҳолда оз эмас-кўп эмас, нақ 16,5 млн сўмлик 3 000 литр дизель ёқилғисини «яширган» экан...

МИСҚОЛЛАБ ТАШИЛГАНДА...

Олтин-кумуш ўз жозибаси билан асрлар давомида кўпчиликни ром этиб келган. Лекин бундай қимматбаҳо металллар билан бўладиган ноқонуний, қалтис хати-ҳаракатлар доимо яхшилик ила тугамаган. «Шовот» чегара божхона постида ўтказилган тезкор тадбирда Х.М.ни 24,3 млн сўмлик қарийб 1,4 кг, Э.Ш.ни эса 66,2 грамм кумуш тақинчоқлари ошқор қилиб қўйди.



БОТМОНЛАБ ОРТИЛГАНДА...

Рангли металл ҳам кишиларни ўзига жалб этадиган қимматликлардан. Самарқандликлар орасида унинг ишқибозлари борлигини ушбу вилоят божхона бошқармаси ходимлари аниқлашди. Масалан, 2018 йил ва 2019 йилнинг ўтган даври давомида 43,4 млн сўмлик 8778 кг рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ноқонуний муомаласига йўл қўйилгани ҳақида маълумотлар бор.

Аниқ мисолларга ўтадиган бўлсак, Самарқанд тумани «Истиклол» кўчасида яшовчи У.Д. қўлга олинганда унинг хонадонидида 2,1 млн сўмлик 380 кг рангли металл парчалари ва чиқиндилари сақланаётганлиги аниқланди.


Эслатиб ўтамиз!

«Рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тўплаш, топшириш ҳамда қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга (ВМнинг 18.10.2017 йилдаги 849-сон) кўра республикамиз ҳудудида рангли металл парчалари ва чиқиндиларини фақат «Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикасидаги «Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикасидаги» АЖ тайёрлаши ва қабул қилиши белгиланган.

Шунингдек, «Рангли ва қора металл парчалари, чиқиндилари билан ишлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга (6.06.2018 йилдаги 425-сон) асосан жисмоний шахслар ҳам металл парчаларини эркин нархларда «Ўзметкомбинат» ва «Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикасидаги» АЖларга топшириши мумкин.

КЕРАГИДАН ОРТИҚ ХУШБЎЙЛИК

Амалдаги тартибларга кўра жисмоний шахсларнинг божхона чегаралари орқали 3 донга бирликдаги атир ва атирсимон суюқликларни божхона тўловларисиз олиб киришга руҳсат берилади.



Самарқандлик божхоначилар «Истанбул-Самарқанд» йўналишидаги авиарейс билан мамлакатимизга учиб келган ҳамда «яшил йўлак» орқали ҳаракатланган М.М.нинг багажларини холислар иштирокида текширганда йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган қиймати қарийб 9 млн сўмлик 87 донга «Shaik Paris 50 ml» номли атирлар борлигини аниқлашди.

ДОРИ ДАРМОН БЎЛАРМИКИН?

Тошкент халқаро аэропортига хориждан учиб келиб М.М.нинг хатти-ҳаракатлари божхоначилар эътиборини бежиз ўзига тортмаган экан. «Яшил йўлак»дан ўтганига қарамай, ушбу шахс белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилганда унинг юклари орасидан 8,5 млн сўмлик 900 донга дори воситаси чиқди.



Ҳозирда барча ҳолатлар бўйича божхона текширувлари бошлаб юборилган.

Давлат божхона қўмитаси, Самарқанд божхона бошқармаси ахборот хизматлари материаллари асосида тайёрланди.

✓ **ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

ИШ САЙЁР СУДДА КЎРИЛДИ

«Москва-Тошкент» халқаро йўловчи поездидида кириб келган А.З. умумий қиймати 109 млн сўмлик товар-моддий бойликларни божхона назоратидан яширишга уринган вақтда божхона пости ходимлари томонидан тўхтатиб қолинган эди.

Кунни кеча мазкур ҳуқуқбузарлик бўйича жиноят иши Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг «Келес» темир йўл чегара божхона постида сайёр суд тартибидида кўриб чиқилди.

Судда пост ходимлари, ДХХ Чегара кўшинлари бўлинмаси, ИИВ ТЖХТБ «Келес» темир йўл бекатидаги бўлинмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Халқаро йўловчи ташиш филиали ҳамда «Келес» темир йўл бекати ходимлари иштирок этди.

Сайёр суд мажлисида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати атрофлича кўриб чиқилиб, иштирокчиларнинг кўрсатмалари тингланди. Суд якунига кўра, А.З. Жиноят кодекси 182-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан айбли деб топилди, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдоридида жарима жазоси тайинланди, ашъвий далил тарқиқасида олинган товар-моддий бойликлар эса давлат эгалигига ўтказилди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

✓ СТАТИСТИКА

TIME IS MONEY

июнь ойида божхона расмийлаштируви учун қайси постда қанча вақт сарфланди?

Инглизларда «Time is money», яъни «Вақт – бу пул» деган ибора бор. Дарҳақиқат, ҳар бир тadbиркор, айниқса, ташки иктисодий фаолият иштирокчиси учун ҳар бир вақт ғанимат – қимматли ҳисобланади.

Ташки иктисодий фаолият иштирокчилари томонидан товар ва транспорт воситаларининг экспорт ва импортида божхона расмийлаштируви учун сарфланган ўртача вақт ҳақида божхона постлари кесимида 2019 йил июнь ойи бўйича маълумотлар билан танишинг.

Республика миқёсидаги 53 та ТИФ божхона постлари орасида товарларни «экспорт» божхона режими га расмийлаштириш учун сарфланган вақт бўйича:

- 1-ўринни – Бухоро вилояти божхона бошқармаси «Ғиждувон» ТИФ божхона пости (ўртача 3 дақиқа 41 сония);
- 2-ўринни – Бухоро вилояти божхона бошқармасининг «Қоровулбозор» ТИФ божхона пости (ўртача 7 дақиқа 15 сония);

- 3-ўринни – Андижон вилояти божхона бошқармасининг «Асака» ТИФ божхона пости (ўртача 9 дақиқа 53 сония) эгаллади.

Товарларни «импорт» божхона режими га расмийлаштириш учун сарфланган вақт бўйича:

- 1-ўрин – Бухоро вилояти божхона бошқармасининг «Қоровулбозор» ТИФ божхона постига (ўртача 30 дақиқа 33 сония);
- 2-ўрин – Навоий вилояти божхона бошқармасининг «Навоий индустриал» ТИФ божхона постига (ўртача 44 дақиқа 31 сония);
- 3-ўрин – Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг «Жарқўрғон» ТИФ божхона постига (ўртача 47 дақиқа 19 сония) насиб этди.

ДБК Ахборот хизмати.

✓ МАЪНАВИЯТ ДАРСЛАРИ

Шундай касблар борки, моддий қимматликлар васвасаси унинг соҳибини йўлдан уриши осон бўлади. Масалан, оғбор мудирлиги, газначилик, божхоначи касблари кишини бойлик билан алдаб қўйиши мумкин.

ФАРЗАНДИНГИЗ ТАМАГИР БЎЛМАСИН



Сирдарё вилояти божхона бошқармасида ходимларнинг ота-оналари иштирокида коррупция ва тамағирликка қарши курашиш мавзусида суҳбат бўлиб ўтди. Унда, хусусан, республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг (27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сон) мазмун-моҳияти ҳамда ДБКнинг 2019 йил 21 июндаги 2019–2020 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш дастури бўйича йиғилиш қатнашчиларига кенг тушунтиришлар берилди. Шу билан бирга божхоначиларнинг ота-оналарига тегишли Дастур асосида тизимда коррупцияга йўл қўйиш, тамағирлик, порахўрлик, мансаб ваколатини сунистеъмом қилишлик божхона хизмати ходимлари учун тамоман ёт иллатлар бўлиши кераклиги тушунтирилди.

Б.МАСЕЙТОВ,

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ўз хавфсизлиги гуруҳи МИБ катта тезкор вакили.

✓ ИЖОДИЙ ИШ

Истиқлол – улугъ неъмат. Юрт тинчлиги ва ободлигини қуйлаб, мадҳ этиш эса ҳар бир ватанпарвар фарзанднинг бурчи.

«ПОСБОНИМАН МУҚАДДАС ЮРТНИНГ»



Давлат божхона қўмитасининг ташаббуси билан божхона хизмати органларида «Посбониман муқаддас юртнинг» мавзусида иншо ва шеърый асарлар танловининг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Танловнинг Самарқанд вилояти божхона бошқармасида ўтказилган босқичида 10 нафар истеъдодли ёш божхоначилар иштирок этди.

Ғолибларни аниқлаш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркибида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими бош мутахассиси З.Эшонкулова ва шоира К.Баҳромовалар иштирок этиб, танлов ғолибларини аниқлашга яқиндан қўмаклашди.

Танлов натижаларига кўра «Самарқанд аэропорти» чегара-божхона пости инспектори, божхона хизмати лейтенанти Ойжамол Абриева 1-ўринга, «Улугъбек» ТИФ божхона пости инспектори, божхона хизмати лейтенанти Шохрух Абдимуродов 2-ўринга лойиқ деб топилди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.

✓ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

УЧҚУН АЛАНГА ОЛМАСИН!

Қишни киш десак, ҳатто ёзнинг иссиқ кунларида ҳам ёнгин чиқишига сабаб-омиллар кўп экан. Оддий электр ва газ асбобларидан палапартиш фойдаланиш, болалар қўлига гугуртнинг тушиб қолиши ва мавзелар орасидаги хас-хашакларни ёқиб юбориш ҳам аянчли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Йўқса, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Тола-риқ маҳалласи 4-Кўйлик даҳасидаги 44-уй олдида катта ёнгин чиқиб, ҳамманинг тинчини бузмаган бўлармиди...

Ёнгин ўт ўчирувчилар томонидан зудлик билан бартараф этилгандан кейин унинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда маълум бўлдики, мазкур кўп қаватли уй олдидаги ахлат уюмлари нотаниш кимсалар томонидан ёқиб юборилган экан. Очик майдонда алангаланган олов бир зумда атрофдаги ҳўлу-қуруқни ўз домига олган ва гулхан шох-шаббалар, ёғоч-тахталар ҳисобига катталашган. Олов-ку, ўчирилди. Лекин ундан таркаган тугун, бадбўй хид ён-атрофдаги квартираларни тўлдириб, бир неча кун ноқулай аҳволни келтириб чиқарди. Бундай пайтда аллергия хасталиги бўлган беморлар ҳам айниқса кўп азият чекадилар.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, ахлат уюмлари, қуриган ўт-ўланлар, ҳазонларни эрмак учун ёқиб юбориш қанчалик ёқимсиз ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин-

лигини ҳамшаҳарларимизга эслатмоқчи эдик.

Бу макон – ҳаммамизники, унинг тоза ҳавоси-ю, зилол суви ҳам шу жамоаники. Шундай экан, атроф муҳитимиз мусаффолиги учун барчамиз бирдек қурашайлик, «ақли йўқ» учқунни алангалатмайлик.

Алибек МИРЗААХМЕДОВ,
Миробод туман ЁХБ кичик инспектори, сафдор.



<p>СОЛИК & ХАБАРЛАРИ БОЖХОНА</p> <p>Молиявий-иктисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқиди.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарход Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p> <p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p>	<p>Адабий муҳаррир Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимержон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамлари мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета ношир – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳори келишилган нарҳда. Буюртма т-715. Адади 800. Газета 2019 йил 5 июль соат 18.00 да топширилди.</p>
---	--	---	---	---